

496



**Guliston**

2012/4

# VATAN MANZARALARI

(“Гулистон” журнаlining йўлланмаси билан)

Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча инсонларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади.

Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

**Ислом КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Мен фазода, ложувард юлдузлар оламида чарх уриб юрганимда ҳам Ерни – Ватанимни соғиниб, бутун вужудим билан она-заминга талпинавераман. Чунки юлдузлар дунёси бир нафасгина кўзни қувнатади. Ватан тафти эса бир умр қалбга қувват, вужудга ҳузур бағишлаб туради.

Мен Ерда юриб ҳам ўз ватанимни – сочларини икки дарё ювиб турган Ўзбекистонни соғинаман. Чунки бу ерда қадрдон қишлоғим бор. Унда ука-сингилларим, қариндош-уруғ, дўст-улфатлару мен билган ва мени биладиган азиз инсонлар яшайди. Булоқ сувларига оқизоқ қилиб еганим кулча ноннинг таъмини Париж ресторанларининг шоҳона зиёфатларига ҳеч қачон олишмайман. Мени ўзига чорлаб, орзуларимга қанот бoғлаб турган азим Тошкент, ҳар бир ўзбекнинг кўксига ифтїҳор ҳайкалинини тиклаган қадим Самарқанд, Бухоро, Хива... Агар Ўзбекистон бир олтин узук бўлса, унга зумрад кўзлардек ярашган Фарғона ва Зарафшон водийси, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм воҳалари!.. Қани айтинчи, тўрт фасл бирдай ўз марҳаматлари билан сиёлайдиган, тупроғи зар, суви кавсар, халқи заргар юрт яна қайда бор!?

Мен Ўзбекистонда юриб ҳам ўлан тўшагим – ўз уйимни, оиламни соғиниб, доим унга ошиқиб яшайман. Яқинларим, фарзандларим, жигарбандларимнинг меҳр-муҳаббати олис-олислардан мени ўзига чорлаб турувчи муқаддас маёқдирки, мўлжални унинг сеҳрли ёдусига қараб олиб, шу пайтгача ҳеч адашмадим. Эрта тонгдан кўнгилни ажиб қувват билан тўлдирадиган калом – “Ассалому алайкум” билан бошланиб, “яхшии шилаб келинг”, “омадингизни берсин”, “ишингиз ўнгидан келсин”, “сафарингиз бехатар бўлсин” каби содиқ дўстдай уззикун мени суяб юрувчи тилаклар ҳар кун умримга умр кўшади. Кечкурун эса очик чехра билан кулимсиб айтиладиган биргина “чарчамадингизми?” суроғи бор чарчоғимни ёзиб, кўнгил губорларини олис-олисларга учуриб юборади. Мен яна ун саккиз яшар йигитдай ўйноқлаб, райхон ҳиди анқиб турган ҳовлимдаги юмушларга тутинаман; эртанги кун учун катта-катта режалар тузаман.

Кулоқ сифатида совуқ Сибир сургунларида ўлиб кетган боболарим ҳақи, яхши кўнлар умиди билан жонҳалак яшаган момоларимнинг руҳи поклари ҳурмати, “ёт унсурининг боласи” сифатида кун кўрмай, қолхозлаштириш, пахта яккаҳокимлиги тарзидаги қўллик кишанларига боғланиб, охир оқибатда “ўзбек иши” каби тўхматлар билан умри азоб-уқубатда ўтган ота-онам ёди билан “Мен сени севаман, Ўзбекистоним!” деб бутун жаҳонга бонгураман.



“Ватанни севмоқ иймондандир”, — дейилади муқаддас ҳадисларда. Иймонли кишига мудом Аллоҳнинг раҳмати ёғилиб туради, дейилади яна шу табаррук битикларда. Яхлит олсак, шу иймон нури шарофати билан мард ва танти, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга шоир таъбири билан айтганда, ҳатто кетмон дастасини суқиб кўйсанг ҳам кўкариб кетадиган мўъжизакор бир ўлка насиб этган.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — мустақилликнинг 21 йиллиги арафасида мана шу табаррук замин соҳибларининг орзу-режалари билан ўртоклашиш ниятида сафарга отландик. Дастлаб от жилови Наманган вилоятига бурилди.

Ҳозирги замон шаҳарлари аэропортдан бошланади. Ҳар куни юзлаб самолётлар учиб кўнучи Франкфурт ёки Вашингтон аэропортлари маҳобатли ҳаво корхонасига ўхшайди. Уларга киёс қилганда Наманган аэропортини санъат асари дейиш мумкин. Биз борган куни Фарғона шахрини тубдан қайта қуришга киришган бир гуруҳ мутахассислар намаганлик шаҳарсозларнинг тажрибасини ўрганиш учун ташриф буюришган экан. Уларнинг ҳайрати бизга ҳам юкди. Бир ярим километрга яқин йўлнинг икки четидаги гулзор ҳар қандай кишида “Наманганни гуллар шахри деганлар тўғри экан”, деган тасавурни уйғотади. 110 минг тупдан ортик ранго-ранг гуллар экилган. Голландча шафроннинг ўзидан эллик минг туп, хилини санаб адашиб кетдим. 3,5 гектарлик мевазор боғ аэропорт худудини ободонлаштириш ансамблини яшнатиб юборган.

– Умумий қиймати 4,12 млрд. сўм бўлган аэропортни реконструкция қилиш ва “Жанубий айланма йўл”га тўғри чикувчи мана шу равон йўлнинг бош меъмори Президентимиз Ислоҳ Қаримовнинг ўзлари бўладилар, – дейди Наманган шаҳар Бош архитектору Илхомжон Ёқубжонов. – Бир келганларида, шу бир парча ер қанчагина пахта берар эди, унинг баҳридан ўтиб боғ қилсаларинг яхши бўларди, деган эдилар. Мана энди тўрт гектарга яқин райгерс навли олмалар экилган боғни кўриб, ўзимиз ҳам кувониб юрибмиз.

2009–2012 йилларда Наманган шахрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисидаги ҳукумат қарорига асосан 33 та объектда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. “Камолот” ёшлар боғи, “Кичкинтой болалар боғи”, “Ёшлар маркази”, “Хотира хиёбони”, кўплаб турар жойлар, спорт мажмуалари, йўллар, кўприклар ва бошқа объектлар янгитдан қурилди. Советча психология билан чуқурликка қурилганидан кўримсиз бўлиб қолган Алишер Навоий номи мусика ва драма театри қайта таъмирлангандан кейин, атрофидаги 6 гектарга яқин ободонлаштирилган ва кўкламзорлаштирилган майдони билан меҳнаткашларнинг ҳақиқий дам олиш масканига айланди.

Матбуот хабарларига қараганда, Наманган шаҳрида қурилиш ва реконструкция ишлари асосан якунланган. Лекин шу кунларда Наманганда бўлсангиз, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари янгича кўлам ва шиддат билан давом этаётганини кўрасиз.

– Бош лойиҳадан четга чиқиш, кўпқаватли уйларнинг ўрталарига, олдига, ёнларига унда кўрсатилмаган кўшимча бинолар қуриш қонун билан таъқиқланади. Уни бузган масъул шахслар ҳатто жиноий жавобгарликка тортилади, – дейди шаҳар Бош архитектору. – Шунинг учун барча кўпқаватли уйлар аҳоли томонидан ўз ҳолича қуриб олинган турли хил кўшимчалар ва тўсиқлардан тозаланди. Уйларнинг ўзи ях-

шилаб таъмирлангандан кейин шаҳар чиройи янада очилиб кетди.

Наманганликлар ўз шаҳарларини жуда севадилар ва унинг кундан-кун обод бўлиб бораётганидан ҳақли равишда фахрланадилар. Шунинг учун гул байрами тарзида ўтадиган ободонлаштириш ва орасталик ҳашарлари жуда оммавий тус олади. Шу кунларда ҳар йили ананавий тарзда мустақиллик байрами арафасида ўтадиган катта гул байрамига ҳозирлик кўрилмақда.

Бундай кенг кўламли ободончилик ва қурилиш ишлари вилоятнинг барча туман марказлари, қишлоқ ва маҳаллаларда бирдай жадал суръатларда олиб борилмақда. Наманган шаҳрига етгунча йўл-йўлакай Поп, Чуст, Тўрақўрғон туманларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан кувониб келган эдик. Норинда туман маркази Ҳаққулобод шахрининг ижтимоий инфратузилмасини тубдан янгилаш масалалари билан шуғулланувчи комиссия йиғилиши устидан чиқдик. 31 миллиард сўмдан ошиқ қийматдаги маблағ билан қувватланадиган 160 та кўламдор лойиҳани қамраб олган бундай қурилишлар имкониятлар нақадар чексиз эканлигини кўрсатади.

Албатта, имконият ўз ҳолича ҳеч нарса эмас. Уни инсон омилли, бунёдкор, фидойи замондошларимиз рўёбга чиқаради. Ана шундай юртдошларимизнинг ишлари билан яқиндан танишиш, керак бўлса, уларнинг байрам кайфиятидан журнал буюртмаси билан ёзилаётган очеркка ҳам “юктириб” олиш учун Тўрақўрғон туманидаги “Наврўз” ММТПга қарашли Сайрам қишлоғига йўл олдик. Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳадича ая Мирзаева шу қишлоқнинг Чусткўприк маҳалласида яшар экан. Ҳозир аяни дала шийпонидан топасиз, дейишди. Бизга ҳамроҳлик қилган Агросоаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгашининг раиси Дилбархон Ҳошимова қўл телефонида масалага аниқлик киритди. Агросоаноатчилар қасаба уюшмаси туман кенгашининг раиси Ақидахон Ғойиббоева билан изма-из “Ҳадича ая” фермер хўжалигининг дала шийпонига кириб бордик. Дарвоқе, йўл ҳақида. Қаҳрамоннинг даласидан ўтган йўл жуда равон қилиб қурилган. Мана, яхшининг шарофати ҳамқишлоқларига ҳам тегишти, деган ўй кўнглимиздан ўтди. Тошкентлик ҳайдовчилар ҳам ҳавас билан машина сурадиган бу силлиқ асфальт йўл Шаханд кўрғонига ўтиб кетганини кўриб, очиги, намаганлик йўлсозларнинг санъатига тасаннолар айтдик. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрига етгунча ва ундан ўтиб, то Навоий вилояти худудига туташган йўлни қўшни давлатлар даражасига тушириб қўйган самарқандлик йўлчилар ва “асфальтчи”лар намаганликлардан ўрганса бўлар экан. Чунки яхши йўл доим сизни яхши инсонлар ҳузурига олиб боради. Мана, биттаси – биз. Даламизда етишган бугдой нонини эслатувчи чехрасидан самимият балқиб турган, етмиш ёшни қоралаб бораётганига қарамасдан суҳбатдошига ийманибгина қаровчи, лекин бир сўзингиздан кейин нима демоқчилигингизни англаб оладиган даражада хушёр “ўзбек она”си билан суҳбатлашиб ўтирибмиз.

Телевизорда кўрганман, газетларда ўқиганман, лекин Ўзбекистон Қаҳрамони унвони соҳибаси билан биринчи марта юзма-юз ўтиришим эди. Эсладим, 2007 йил Конституция куни арафасида мустақилликнинг 15 йиллиги муносабати билан тақдирланган бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида аяга қаҳрамонлик нишонини топшираётиб

3-к  
№ 3

Jurnal 1925- yildan chiqa boshlagan

O'zbekiston Respublikasi  
Madaniyat va sport  
ishlari vazirligi

**Tahririyat:**

Bosh muharrir:

**Azim SUYUN**

Bosh muharrir o'rinbosari:

**Jalolbek YO'LDOSHBKOV**

mas'ul kotib:

**Komil JONTOYEV**

fotomuxbir:

**Mashrab NURINBOYEV**

sahifalash va dizayn:

**Azamat FAYZULLAYEV**

**Nigina QODIROVA**

navbatchi muharrir:

**Shermurod SUBHON**

**Jamoatchilik kengashi:**

**Yoqub AHMEDOV**

O'zbek milliy akademik  
drama teatri direktori

**Fotih JALOLOV**

O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va  
sport ishlari vazirining birinchi o'rinbosari

**Dilora MURODOVA**

O'zbekiston Davlat  
konservatoriyasi rektori

**Suvon NAJBIDDINOV**

"Matbuot tarqatuvchi"  
AK Bosh direktori

**Abdulahob NURMATOV**

Andijon viloyati hokimligi mas'ul xodimi

**Baxtiyor SAYFULLAYEV**

O'zbekiston Davlat san'at va  
madaniyat instituti rektori

**Azamat HAYDAROV**

"O'zbeknavo" estrada birlashmasi  
Bosh direktori

**Ushbu sonda:**

**Shukur QURBON**

*Sharq marvaridi*

**Botir SANGIROV**

*Zamonaviy o'zbek teatrida milliy  
an'analar talqini*

**Nurjahon NIYOZOVA**

*Har chiqishda bir joziba*

**Nargiza HASANOVA**

*Rassomlikning oydin yo'llari*

**Qozoqboy YO'LDOSH**

*Nozik tuyg'ular ifodasi*

**Fridesh KARINTI**

*Oksford ko'chasidagi qotillik*

*Men go'shnimning bog'laridan qarzdorman,  
Kezdim, yurtlar tog'laridan qarzdorman.  
Vatan, jon qarzim bordir - har kunim,  
Har bir o'tgan chog'larimdan qarzdorman*

Bichimi 60x84, . Buyurtma №99. Adadi: 4357 nusxa. Hajmi 6 b.t.  
Bosmaxonaga 12.08.2012-yilda topshirildi. Bosishga 12.08.2012-yilda ruxsat etildi. Tahririyat  
manzili: Toshkent - 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41- uy. Tel: 233 25 66, 233 27 94.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0517- raqamli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

**Jurnal «Muharrir» nashriyoti matbaa bo'limida chop etiladi.**

**Bo'lim manzili: 100060, Toshkent shahri, Elbek ko'chasi, 8- uy.**

E-mail: azimsuyunur@mail.ru

**Muqovada:**

1-bet: Toshkent davlat arxitektura  
va qurilish instituti magistri Hulkar  
Burhonova

Президентимиз, беш ўғил, бир кизни хунарли, уйли-жойли қилиб жамиятга қўшишингизнинг ўзи бир қахрамонлик, раҳмат сизга, деганларида унинг кўзларида севинч ёшлари қалқиганини ўзим телевизор орқали кўрганман. Уруғлик пахта ҳосилдорлигини 35 центнерга етказиш, ғалладан 55-70 центнергача хирмон кўтариш осон иш эмас. Аммо янгилик қилган, салафларига нисбатан тараққиёт ғилдирагини бир қадам бўлса ҳам олға жилдириб қўйган инсонларгина бу эътирофга ноил бўладилар.

Менинг фикримни уккандай, аянинг ўзи айтиб қолди: бу далалар менгача иккита Меҳнат қахрамонлари – Чўлпоной Кудратиллаева ва Муфтиддин Мўминовларни етиштириб берган.

Ҳикоямиз бошида тилга олганимиз назаркарда замин, деганлари шу бўлса керак. Бу жойлар мудом ўз соҳибларини улуғлаб, ризқ-рўзини бутун қилиб келган. Фермер хўжалиги бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Маҳмуджон Набиевнинг кабинетига жамоа шартномасидаги иш берувчининг мажбуриятларига дахлдор қисми қандай бажарилгани билан қизиқдик. 39 та аъзонинг рўзғорига ойлик маошдан ташқари ҳар мавсумда 1-1,5 тоннадан буғдой кириб туриши, йил якунида уларнинг соф фойдадан улуш олишлари, тўй-маъракаларида кўрсатиладиган ҳомийлик ёрдамлари, йилига томорка хўжалигидан ўн миллион сўмдан 25 миллион сўмгача даромад қилувчи аъзоларга техника ва минерал ўғитдан кўмаклашиш тўғрисидаги бандлар бадастир бажарилган. Шунинг учун “Намунали бошланғич касаба уюшмаси” мақомига эга бўлган Маҳмуджон Набиевнинг иш тажрибасини вилоят миқёсида оммалаштириш мўлжалланмоқда. Лимонлар барқ уриб ривожланаётган иссиқхонага қараб, бу ерда киш ойларида ҳам помидор-бодринг ва сервитамин кўкатлар дастурхондан узилмаганини сезасиз. Мўъжазгина бедапоёда курка, товуклар ўтлаб юрибди. Келинчакнинг уйда қилиб таъмирдан чиқарилган ёпик дала шийпони, асфальтланган кенг ҳовли, унинг иккинчи томонида соя-салқин толлар тагида баланд сўри қилиниб усти ёпилган очик шийпон. Хуллас, бу ерда бир катта рўзгор тирикчилик ўтказиши учун ҳамма шароит муҳайё этилган.

Ҳовлидаги икки кишининг қулочи аранг етадиган азамат тутга қараб, бу жойларнинг яқин тарихи беш юз йилга бориши ҳақида узоқ баҳслашиш мумкин. Касабақўмнинг айтишига қараганда, унинг отаси 83 ёшида қазо қилган. У кишининг болалигида ҳаёт бўлган қишлоқ оксоқоллари бу тутнинг ёшини айтиб беролмаган экан.

Наманганлик дўстларга мана шу азим тут каби умрбоқийлик тилаб, қўшни Андижон вилоятига ўтиб кетдик. Бу гал вилоят марказига Избоскан йўналишидан кириб бордик. Эксперимент тарзида қурилган “Ўзбекистон” шохқўчасининг маҳобатини мамлакатимиз аҳли яхши билади. Лекин Андижон туманининг вилоят маркази билан туташ қисмида бунёд этилган коттежлар ансамбли ундан қолишмайди. Шу ерда қизиқ бир хангомага учраб қолдик. Андижонлик журналист дўстимиз Абдулхай Юнусов телефонда, иккинчи халқадан чапга бурилсангиз, келишганимиз жойга осонгина етиб келасиз, деб бизга йўл кўрсатувчилик қилиб турди. Биринчи халқадан ўтдик, лекин иккинчи халқани излаб шаҳардан чиқиб кетишимизга бир баҳя қолганда, борадиган жойимизни сўраб-суриштириб зўрға топдик.

— Бир ҳафта олдин ўтганимда ҳам Бобур шохқўчасида

иккита халқа бор эди, — дейди Абдулхай минг бир ҳижолат билан. Нима ҳам дердик, Андижондаги, умуман олганда, Ўзбекистондаги ўзгаришлар суръати чаккон журналистларни ҳам шошириб қўймоқда.

Андижон банк коллежи директори Мансурбек Тўхтабоевни ўзбекистонлик ёшларнинг типик вакили дейиш мумкин. Ўттиз ёшида мингдан ошиқ талаба ўқийдиган жамоага бошчилик қилмоқда. Бу йилги битирувчиларнинг 274 таси уч томонлама шартномага мувофиқ ишга жойлаштирилган. Қолган юзта битирувчини олий ўқув юртига ўқишга ва ишга жойлашнинг аниқ режаси бор. Мактаб битирувчиларини тўла қамраб олиш учун бу йил коллежга 500 та ўқувчи қабул қилинган.

“Эртага шунча ўқувчини ишга жойлашда қийналиб қолмайсизми?”, деган саволимизга Мансурбек “Ҳали бизнинг мутахассисларимизга Швейцария банкларидан ҳам буюртма тушади”, деб андижончасига дангал жавоб берди.

Катта йўл бўйида янгича андозада салобатли қилиб қурилган, каштанлар, ипак баргли хитойча акациялару ранго-ранг гулларга бурканган бу ўқув даргоҳи сиртидан ҳам, ичидан ҳам биз хориж киноларида кўриб юрадиган билим масканларини эслатади. Кенг заллари, шинам аудиториялар, ахборот ресурс маркази, янги ўқув йилига яхшилаб таъмирлаб қўйилган спорт заллари... санъаткорона дид билан қурилган фойелардан авайлабгина ўтасиз. Хуллас, мустақиллик сизга нима берди, деб сўралса, бу даргоҳнинг ўқувчилари баралла: мана шундай гўзал коллежда ўқиш бахтини берди, деб жавоб беришга арзийди.

Андижонга келиб Боғишамолни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз, деган ярим ҳазил гап юради. Ҳар галгидек Бобур Халқаро жамғармаси президенти Зокиржон ака Машрабовни янги сафар таассуротлари ва Кавказорти давлатларидан бошланиб, Самара орқали Сибирдан ўтиб, Мўғилистонда яқунланадиган навбатдаги катта экспедиция режаси устида учратдим. Шу йилнинг июл ойида Зокиржон ака археолог олим А. Матбобоев билан Амир Темур Тўхтамишхонни енгиб, русларнинг мўғиллар зулмидан озод қилинишини бошлаб берган тарихий жойларга иккинчи марта экспедиция уюштирган. Бу галги сафар анча самарали бўлган. Самара вилоятининг Красний Яр туманида, Кандурча ва Юлдузча дарёлари туташган жой яқинида Амир Темур қўшинлар турган 34 гектарлик истехком ўрни аниқланади. Самара ўлкашунослик музейи директори Д.В.Кузнецова, Красний Яр туман ўлкашунослик музейи олимлари Ю.В.Брюков, А.П.Опарин ва А.С.Милигинлар фидоий темуршунос сифатида бу ерда казиш-ўрганиш ишларини олиб боришаётган экан.

— Ўнг келган бир тасодифни қаранг, — дейди Зокиржон ака. — Нормухаммад Жўраев деган сурхондарёлик бир тадбиркор юртдошимиз шу жойдан бир гектар ер сотиб олиб, ўзбекча андозада чиройли ховли-жой қурибди. Музейга ўхшайди. Ўзбекистоннинг кичик нусхасини кўчириб олиб борган, дейсиз. Ўзбекча ҳаммом, толлар билан қуршалган ҳовуз, қўконча равоқли шийпон. Ўзи Самаранинг энг бой тадбиркорларидан экан. Ҳамма нарсаси бор. Бироқ туғилиб ўсган юртидан йироқда яшайди. Озгина бўлсада ватан соғинчини босиб турармикан, деган илинжда шу ишга қўл ургану тасодифан Амир Темур бобомизнинг қадами теккан жойларнинг бир парчасига эгалик қилаётганидан боши осмонда.

1391 йилда Амир Темур Кандурча бўйида Тўхтамишхонни енганидан кейин, Улуғтоғдаги Олтинчўққида бир тошга ғалаба лавҳасини ўйиб ёздирди. 1936 йилда бу лавҳанинг Амир Темур фармони билан битилганини аниқлаган геолог олим К.И.Соттаев тошнинг бир бўлагини синдириб Эрмитажга олиб кетади. Буни эшитган Зокиржон ака экспедиция ишлари якунланиши билан Санкт-Петербургга учди. Эрмитаждан ўша тошдаги ёзув суратини олиб келиб, уни ҳозирги ёзувимизга ўгириб, Бобур ва жаҳон маданияти музейини яна битта қимматбаҳо экспонат билан бойитмоқчи.

Дарвоқе, музейнинг истикболи ҳақида. Ҳозир боғда мухташам Маданият маркази биноси қуриб битказилмоқда. Бобур ва жаҳон маданияти музейи ҳамда Шаҳарсозлик маданияти тарихи музейи унга кўчиб ўтади. Бобур боғи “Бобур маданият Маркази”га айлантирилади. Бобур номидаги миллий истироҳат боғи алоҳида ажратилиб, у ерда зайтун ва хандон писталар етиштириш кўпайтирилади. Гулчилик ва боғдорчилик ишлари ривожлантирилади.

Зокиржон аканинг айтишича, хитойликлар 2000 йиллик тарихга эга қадим Довон давлатининг пойтахти бўлган Мингтепада археологик казишмалар олиб боришга инвестиция киритган. Яна Япония, Жанубий Корея, Германия каби далавларнинг вакиллари билан иборат 9 кишилик археологлар гуруҳи шу кунларда ишга киришади. У ердаги казишма ишлари якунига етса, “Мусаффо осмон остидаги музей” барпо этиш мумкин.

Абдулла Аъзам бошлиқ бир гуруҳ олимлар “Бобур комуси”ни яратиш билан шуғулланишмоқда. Зокиржон Машрабовнинг ўзи “Андижон монументи”ни яратиш борасида изланишлар олиб бормоқда.

— 1973 йилда Андижон шаҳар ижроқўмининг раиси бўлганимда бугунги куннинг талаби билан ишлашни орзу қилганман. Лекин йўл беришмаган. Энди мустақиллик берган бу имкониятдан фойдаланиб, бесамар ўтган у йилларнинг ҳиссасини чиқаришим керак, — дейди Зокиржон ака. — Шунинг учун меҳнат одамни зеркиқшдан, қарамликдан, муҳтожликдан қутқаради, деган ақидага амал қилиб асло кам бўлмадим. “Эл-юрт ҳурмати”, “Меҳнат шухрати” орденлари билан мукофотландим. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвонига сазовор бўлганман. Президентимиз Ислоҳ Каримовга минг раҳмат. Фаолиятимизни доим кузатиб борадилар, керак пайтда тегишли маслаҳатлар берадилар. Биз янгича ғайрат билан ишимизни давом эттириб кетамиз.

Зокиржон ака бошини сарак-сарак қилиб, биз билан самимий хайрлашди. Биз эса, қайдасан, Фарғона, деб машина рулини навбатдаги вилоят томонга бурдик. Асака шаҳрининг остонасидаги қишлоқда, йўлнинг икки четида уч километрлар чамасидаги масофада қаторасига янги андозадаги уй-жой қурилиши кетаётганини кўрдик. Бирисида пойдеворчилар, бирисида ғишт терувчилар, бирисида сувоқчилар, том ёпувчилар, хуллас, ҳамма уйда бирдай қурилиш кетмоқда. Гўё бир пайтлар 45 кунда Катта Фарғона каналини қазиган халқ энди уй қуриш учун ёппасига кўчиб чиққандай. Жаҳон иқтисодий инқирози бутун Европани зир қақшатиб турган паллада эндигина мустақиллигининг 21 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари “Ўзбек модели”нинг накадар ҳаётчан эканлигидан далолат беради, албатта.

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят

кенгагининг кичик мажлислар залида Журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Обидов етакчилигида туман ва шаҳар газеталарининг муҳаррирлари ҳамда мустақил нашрларнинг ижодкорлари иштирокида ўтган давра суҳбатида ҳам “Мустақкам оила йили” Давлат дастурининг жойлардаги ижроси, унинг матбуотда қандай ёритилаётгани, кун сайин авж олаётган Фарғона шаҳрини қайта қуриш истикболлари ҳақида фикр алмашилди.

Таникли журналист Муҳаммаджон Обидовнинг яхши ташкилотчилик қобилияти бор. У журналистларнинг бошини бир жойга қовуштириб, ҳокимият вакиллари, турли ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида давра суҳбатлари ва конференциялар ўтказишни яхши йўлга қўйгани учун бўлса керак, фарғоналик ҳамкасбларимизнинг фикри тиник, вилоятда ва мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлардан яхши хабардор. Бу ўз навбатида улар чиқараётган газеталарнинг аҳолининг кенгрок қатламларига кириб бориши учун йўл очмоқда.

Самимий руҳда ўтган суҳбат якунида ҳамкасблар шундай хулосага келишди: 21 йил ичида Ўзбекистон қандай катта салоҳиятга эришганлигини кўрсатувчи улкан бунёдкорлик ишлари айна пайтда Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида таъкидланганидек, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб беришнинг ўзига хос усулидир.

Бизнинг ҳам водийга қилган сафаримиздан чиқарган хулоса шундай бўлди. ■

*Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист*



# SHARQ MARVARIDI

(Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига бағишланади)

*Саъй айлаки, ҳифзи ганжга етгайсен,  
Йўқ улки, саъй ила кутуб жамъ этгайсен.*

Алишер Навоий



1

Ватан қурилишлар майдони бу кун,  
Қай бири кераксиз, қани, айтингиз?  
Шўро давридаги ахволи учун  
Бўлганми раҳмингиз келган пайтингиз?

Оқиллар етади замон сирига,  
Боболардан қолган ажиб бир тадбир:  
Обод гўшаларга – кетган ерига  
Қайтар фаришталар, кўринг, бирма-бир.

Қур деса қурмоқда, бизда кўп ботир,  
Ресторану кафе – пул чиқадиган.  
Бунда кутубхона қурилаётир,  
Миллат деганларга хуш ёқадиган.

2

Ҳазрат пайғамбарга, нега, энг аввал  
Буйруқ келган “Ўқи” дея уч бора?  
Ўқиш шунча муҳим бўлганми азал,  
Муҳимми у бошқа ишлардан кўра?

Она ўн йил дуо қилди муттасил,  
Ўқисин деб ногоҳ очилди кўр кўз.  
Ва Имом Бухорий эди у ўғил,  
Илм бўлди қоғозда оғиздаги сўз.

“Тила – тилагингни!” сўрар ҳукмдор,  
Хизматидан мамнун Ибн Синодан.  
“Кутубхонангизга эҳтиёжим бор,  
Шу менга азизроқ молу дунёдан”.

Бир китоб ҳурмати – салкам йиғирма  
Кило олтин бўлди, кўпми бу ё оз?  
Темур ғазнасидан эҳсон чегирма  
Шабистар аҳлини қувнатгани рост.

Али Қушчи бобо қарвони борар  
Ҳисор тоғларида адашмай ҳамон.  
Мирзо Улуғбекдан мерос китоблар  
Кутубхона сирли ғор ичра пинҳон.

Мустабид даврда ютди ер қаъри  
Қанча дил чароғин, айби – арабий.  
Қолган нусхаларда тирилди бари,  
Ўтдан омон чикқан қақнус қуш каби.

Айтиш ҳам ноқулай, нафақат номи,  
Муқим бир биноси бўлмаган, ахир.  
Ижарали уйлар эди макони,  
Улуғ битикларга шу бўлган тақдир.

“...Яхшими ўқиса тобе бир миллат,  
Хукмрон давлатга бўйсунар қандок?  
Қилсин у хукмрон миллатга хизмат,  
Олимликни қўйиб берсин бизга, ох:

Кўрдик ўқиганин – Қодирий, Чўлпон...  
Ёзган-чизганлари ҳамон бош оғрик,  
Чиксин бу миллатдан подачи, чўпон,  
Юрсин оёғида қирк ямоқ чорик...”

Хартугул, Истиклол деган саодат  
Манфур замонани йўқотди буткул.  
Ёруғ жахон аро кермишдир комат –  
Миллий кутубхона, эрк меваси ул.

Буюк сиймолардан мерос сийратнинг  
Ҳарфига ҳам дахл килолмас ғаддор.  
Машрик марвариди, бу – маърифатнинг  
Муҳташам саройи – мангу пойдор.

Бунда битикларнинг ор ва номуси –  
Қуръони каримдан нухса сақланар.  
“Туркистон тўплами” – халқлар комуси,  
Ки беш юз тўксон тўрт жилд варақланар.

Шунча мўъжизани бир маконда жам  
Бўлганин кўрганлар борми, қайси пайт?  
Боқаман хайратдан кўзларимда нам,  
Ўн миллион нухса, қай бирин айтай?

Мен ҳам ўқиганман бу китобларнинг  
Қанчасин кўзимга суриб гардларин.  
Шеърят қаршимда кучок очган кенг,  
Англагач дунёвий халқим дардларин.

Варақлар эканман уларни ҳамон,  
Кекса талабадек дорилфунунда,  
Компьютер илмига етар-етмас онг,  
Лекин бахтиёрман ҳамда фархунда.

Айтинг, бу аввалги китоб мажмуи –  
Алмисокдан қолган кутубхонамас.  
Бошқача анқийди битиклар бўйи,  
Хизматлар ҳам расо, замонага мос.

“Интер”, бу – халқаро, “нет” эса, тармок,  
Нималарга етмас инсон шуури:  
Бу кутубхонага мумкин боғланмоқ  
Дунёнинг хоҳлаган жойидан туриб.

Масофа йўқ, демак, тил билмас йўқдир,  
Йўқ – маъно дайрида кўрлар, басирлар.  
Она тилимизда бор жахон ўқир,  
Дунёга чиқмоқда бизнинг асарлар.

Вақт тиғиз дамлар бу, зарур бўлган чок,  
Осон – туш кўргандек ётиб уйкуда,  
Бу кутубхонага буюртма бермок  
Мумкиндир кўчага чикмасдан, уйда.

Навойдан бошлаб қанча шоирнинг  
Ижоди электрон шаклда пайваст.  
Топилар бир зумда ҳар қандай шеърнинг  
Ҳар қандай парчаси, “буйрук” берсанг бас.

Китоб музейини эшитганмисиз?  
Кўрасиз уни ҳам кутубхонада.  
Лекин экспонат эмас, тирик сўз  
Оқар китобларнинг кўҳна қонида.

Фильмга айланган китоблар қанча,  
Китоблар – фильмсиз англамоқ қийин.  
Қиёслаб ўрганмоқ бунда бошқача,  
Ўқимоқ бошқача – фильмдан кейин.

Ошиб ўтган каби баланд бир тоғдан,  
Саҳифалар аро кездим дарбадар –  
Тонгда кирган киши ушбу даргоҳдан  
Чиколмай қолади окшомга қадар.

Уни мафтун этар ақлу хис мулки,  
Ҳар қандай беҳуда фикру ўй хато:  
Бундан олим бўлиб чиқиши мумкин  
Янглишиб ўқишга кирганлар ҳатто.

Ахир, халқ боқийдир, хикматлар қадим,  
Нони бутун дерлар ўқиган элнинг.  
Ўқиган ўғиллар – отадан олдин,  
Ортдан боришар кекса кўнгилининг.

Тўғри, китобни хуш кўрмаслар ҳам бор,  
Ўқимамай бой бўлган одамлар қанча.  
Жамият қошида лекин улар хор,  
Ахли маъни аро эса, тиланчи.

Яшай олмас Ватан, халқ ва авлодлар –  
Келажаксиз. Боғлиқ илм-фанга у.  
Ўқимаган элга қолади ётлар,  
Ўқимаган элни чўқийди қайғу.

Мустақил юрт йўлдан адашмаган ҳеч,  
Уни иймон чорлар, эътиқод чорлар.  
Кўр кўзларни очиш учун эрта-кеч  
Дуодан бўшамас онаизорлар.

Яратган эгамнинг ваъдаси бордир,  
Дуолар мустажоб бўладиган пайт.  
Озод эл жахонда ҳар нега қодир,  
Даҳо бўлолмасак, бу энди – уят.

Қадим Шарқ, бас, яна Шарқлигин қилсин,  
Тўғрилансин қараб соатлар бизга.  
Илм деб бор олам бизга интилсин,  
Биз-чи? Интилайлик ундан олисга.

# O'ZBEKISTON RASMI...

(Интерактив шар ёхуд сенсорли глобус теграида)

Миллий кутубхона. Интерактив шар  
Ёқилди бу ерда – зал ўртасида.  
Зумда атрофини ўради ёшлар,  
Тўлиб кўзларига завқ-шавқ, нашида.

Пайтаслашиб кетди зум ўтмай иштовб,  
Хар томон шаҳд ила юмалатдилар.

Давра, глобус ва кўз майдонида  
Нурлари ёгарди улкан Ер шарин.  
Силжитарди ҳамма ўз томонида  
“Шошманглар, топайлик Ўзбекистонни!”  
Бир-бировга иштовб сўз қотди улар.  
Ватан ҳамда Ватан чегараларин.

Мўъжиза рўй берди, технология  
Қудрати ё? Унча тушунолмадим.  
Йўқолди қайгадир бошиқа давлатлар,  
Бошиқа сувлик, бошиқа қуруқликлар жсим.

Хаёллар ҳаётга айланди гўё,  
Хайрат-ҳаяжонга тўлди ҳаммаёқ,  
Бутун глобусни эгаллаб-яшинаб  
Ўзбекистон расми қолди танҳо, тоқ.

Компьютерчи уста “Буздиларинг” деб  
Шар пультаин асабий боса бошлади.  
Компьютерчи уста – кўпни кўрган чол  
Тушуна олмади бу гал ёшларни.

Ҳеч гап йўқ бу шеърда мураккаб, чигал,  
Рўй берди воқеа замонага мос.  
Интерактив шарга юраклардаги  
Ватан муҳаббати кўчганди холос.

Мустақиллик йилларида оила ва баркамол авлод масаласи давлатимиз сиёсатининг бош йўналишларидан бирига айланди десак, муболага бўлмайди. Зеро, ўтган айрим йилларнинг Президентимиз ташаббуси билан “Оила йили”, “Баркамол авлод йили”, “Ёшлар йили”, жорий йилнинг эса “Мустаҳкам оила йили” деб номланишида ҳам оила ҳамда келажак авлодга улкан эътибор ва ғамхўрлик ўз ифодасини топган.

Оила мустаҳкамлиги ҳақида сўз борар экан, Президентимизнинг қуйидаги сўзларини эсламай бўлмайди: “Мендан энг катта бойлик нима деб сўрашса, билимли, ақлли, одобли, эртанги кунни ўйлайдиган фарзанд ота-онанинг энг катта бойлиги, деб айтган бўлардим. Бундай бойликка эга бўлганларни жамоа бой-бадавлат оила деб тан олади. Бундай оила ҳеч қачон хор бўлмайди”.

Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлган оиланинг ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятнинг ҳал қилувчи асосий бўғини, деб эътироф этилиши замирида, албатта, катта маъно-мазмун бор. Бинобарин, фарзандларимизнинг эртага қандай инсонлар бўлиб вояга етиши, иқтидорларининг шаклланиши, нималарга кизикиши, энг аввало, уларнинг қандай оилада тарбия топганига ҳам боғлиқ. Шу боис, ота-боболаримиз оилавий тарбияга гоят долзарб ва нозик масала сифатида алоҳида эътибор қаратган.

Оиладаги ўзаро ҳурмат-эҳтиром, тинчлик-тоғувлик, барқарорлик ҳамда эр-хотин ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамфикрлик фарзандлар тарбиясида, улар камолотида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар томонлама тўқис, соғлом оилада вояга етган фарзандларнинг келажаги порлоқ, ҳамма ҳавас қиладиган даражада ибратли бўлади. Бундай фарзандни эса, шубҳасиз, биринчи навбатда она — аёл тарбиялайди. Шунинг назарда тутган ҳолда, мустақиллигимизнинг илк йиллариданок жамиятда хотин-қизлар фаоллигини оширишга алоҳида аҳамият қаратилди. Дарҳақиқат, ҳар бир аёл ўз хонадонининг мунаввар чирогидир. Оила мустаҳкамлигининг мезони ҳам она меҳри, уй бекасининг оқиллиги, садокати билан ўлчаниши бежиз эмас. Ҳа, бу ўринда ота ва онани оила иморатининг қўш устунига қиёсласак, асло хато бўлмайди.

“Мустаҳкам оила йили”нинг ҳар куни, ҳар дақиқаси биз — аёллар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки аёл оиладаги моддий-маънавий муҳитни меъёрлаштириб турувчи тарози ҳамдир. Ана шундай кўрғонларда аёлларимиз фаранг адиби Анатол Франс айтганидек, эркак зотининг буюк мураббийи вазифасини тўлақонли адо эта олади.

Бир сўз билан айтганда, бу ёруғ оламда оила тинчлиги, фарзандлар камолотини кўришдек бахт бўлмаса керак. Фарзандларни одоб-ахлоқли, маънавияти юксак ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашдек юмушга ҳар биримиз масъулият билан ёндошишимиз лозим. Зеро, мустаҳкам оила сиз ва бизнинг хонадонимиз, маҳалламиз, ватанимиз мустаҳкамлигининг пойдеворидир. ■

Шаҳноза ЁҚУБОВА  
Бўка тумани 2-сон Давлат  
нотариал идораси нотариуси

## Oila - vatan ichra vatan



# Zamonaviy o‘zbek teatrida milliy an’analar talqini



Миллий ўзликни англаш тарихни билиш, миллий урф-одатлар, этник анъаналарни чуқур хис этиш ва унга амал қилишдан бошланади. Глобаллашув шароитида “оммавий маданият” тахдидининг кўпайиши бунга алоҳида эътибор қаратиш ва халқимизга хос азалий анъаналар тарғибини кучайтириш заруриятини кўрсатмоқда. Театр санъати синтез санъат тури сифатида бу борада алоҳида аҳамият касб этади. Кейинги йилларда сахналаштирилган “Чимилдик”, “Қаллик ўйин”, “Қирмизи олма”, “Кампир топайми, дадажон?”, “Аёлғу”, “Чеча” спектакллари этник анъаналар тарғибига қаратилган асарлар қаторига қиради.

Айтиш жоизки, “Аёлғу” спектакли этник анъаналарнинг сахнавий талқинига ноанъанавий тарзда ёндашув, бешиқдан қабргача бўлган инсон умри — туғилиш ва ўлимнинг эътиқод кўринишлари сифатидаги урф-одатлар мисолида талқин этилиши билан алоҳида ажралиб туради. Спектакл одамнинг яратилиши ҳақидаги ривоят билан бошланади.

Спектакл сюжети ривоятнинг мантиқий давоми сифатида ривожланади. Саҳнага тўшалган оқ мато, ундан оппоқ либос кийган аёлнинг дап чалиб секин туриб келиши инсоннинг ердан яратилганлигига ишора бўлиб, томошабинни оламнинг ибтидоси ҳақида фикр юритишга ундайди. Дапнинг хазин товуши спектаклда сирли тарихга мурожаат, асрларга тенг анъаналарнинг мўъжизавий кучига ишонч ҳиссини уйғотади.

Саҳнага узун арқон ушлаган аёлларнинг кириб келиши томошабинни сергаклантиради. Чунки чанқовуз халқимизнинг кўҳна чолғуси ҳисобланиб, унинг садоси қадим халқлар тарихи, қарашларини акс эттирган.

Воқеалар ривожига “девлар айланган бўлса, тоғлардан айлансин, жинлар айланган бўлса, боғлардан айлансин, парилар айланган бўлса, қўллардан, бижғиб ётган чўллардан айлансин” дея дуо қилинар экан, халқ оғзаки ижодида девларнинг макони тоғлар, париларнинг макони қўллар эканлиги ҳақидаги дoston ва эртаклар сюжетлари хаёлга келади. Шу ўринда йигирма икаки бобдан иборат “Вендиат” (айрим манбаларда “Видеват”) “Девларга қарши дастур” деб номланган “Авесто”нинг сўнгги қисми девлар ва уларга қарши курашишга бағишланганлиги бу анъаналар халқимизнинг узок эътиқодий удумлари намуналари эканлигидан дарак беради. Дуо ниҳоясида “шу эрка қизларим дарддан халос” дея хитоб қилиниши дуолар тўлғок тутган онани ёмон кўзлардан асраш мақсадида айтилганлигига ишорадир.

Спектаклда чақалоқнинг овози эшитилиб, барча тин олади. Уларнинг нигоҳидан дунёга келган фарзандлардан хурсандлик, шукрона акс этади. Чақалоқ олиб келиниб аёллар-

нинг кўлига топширилар экан, Фотима ва Зухра ҳақидаги айрим ижро этилиши фарзандларнинг эгизаклигига ишора қилиниб, “исм кўйиш” маросими сахнада намойиш этилади.

Чақалокларга исм кўйилгач, қариндошлар томонидан яхши ният билан рўмол, зебигардон, тиллақош, кўйлақлар совға тариқасида олиб келинади. “Бешикка ўраш” маросими сахнада бажарилар экан, пок туйғулар билан йўғрилган кўшиқнинг хиргойиси томошабинни беғубор, соф орзулар сари етаклайди. Чақалокқа “Алла”нинг айтилиши сахнада миллий урф-одатлар муҳитини яратган. Ёстикнинг тағига ёмон кўзлардан асрасин, нондай азиз бўлсин, деб ноннинг кўйилиши ва удумларнинг чанковуз товуши билан уйғунлашиб кетиши ушбу одатнинг қадимийлиги билан бирга барҳаёт эканлигини талқин этади.

Спектаклда инсон умрининг ер билан, табиат билан узвий боғлиқ эканлигига ҳар бир сахнада ишора сезилади. Узоқдан турналарнинг товуши эшитилиб, уларга умид кўзи билан боққан инсонларнинг киёфаси, ерга уруғ қадаш воқеаларини кўрсатиш халқимиз ҳаётида меҳнат билан боғлиқ урф-одат ва эътиқодий маросимларнинг муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Халқимиз тотемистик қарашларга азалдан ишонган. Хусусан, бўрининг ёвуз кучлардан ҳимоя қилиши, мусичанинг “Фотима она қушлари” сифатида қадрланиши, лайлақларга тинчлик элчиси деб қаралиши бугунги кунда ҳам мавжуд.

Сахнада этакка солинган уруғ ерга қадалар экан, бунда ҳам ўзига яраша маъно бор. Этакка солиниб, қариялар томонидан кўлда сепилган уруғ баракали бўлади дейилади. Шу сабабдан ерга уруғни дастлаб қариялар сепишади. Тупроқдан яралган инсоннинг тупроқ боқиб, охирида тупроққа айланиб кетиши халқимиз орасида ерга нисбатан ҳурмат хиссининг шаклланишига олиб келган бўлса, ажаб эмас.

Спектаклда “Суст хотин”, “Чой момо” мавсумий кўшиқларининг ижро этилиши воқеаларни ҳаёт билан боғлаган ҳолда умр ўтишига ишора қилади. Сахнада ушбу маросимлар кўрсатилар экан, уларнинг халқ ҳаётида муҳим аҳамият касб этганлиги намоеъ бўлади. Спектаклда қуюн (ўрама) ичида қолиб кетган қизнинг вафот этиши билан боғлиқ воқеалар маросимларнинг эътиқодий қарашлар натижасида пайдо бўлганлигини намоеъ этади. Қадимда ердан осмонга қараб чўзилган чанг-тўзонли ўрама ёвуз руҳларнинг иши ҳисобланган. Халқимизда қуюн эгали бўлади, унинг орасида қолган банданинг эси оғиб, жинни бўлиб қолади, чунки унинг ичида ажина-бадик бўлади, деб ишонишган. Юртимизнинг турли вилоятларида ундан қутулиш учун турли иримларни қўллашган. Хусусан, Бухоронинг Қорақўл туманида қуюнни тўхтатиш учун тўнғич фарзанднинг этигини тесқари қилиб кўйишган. Навбаҳор туманида қуюн кўтарилган пайтда болаларни уйга қамаб, момолар бир кўлига пиёз, бир кўлига қалампир ёки бир сиким туз олиб уни хайдашга интилган. Сурхондарёда қуюнни дев деб тасаввур қилишиб, уни “девбода” деб аташган. Уни тўхтатиш учун шамолга қарама-қарши томонга пичок отишган, шамолга қарата сув сепиб, супургини тош

билан бостириб кўйган. Супурги ёмон нарсаларни тозаловчи рўзғор ашёси бўлганлиги сабабли “ҳамма вақт зиён-заҳматни супурувчи магик қудратга эга” деб тасаввур этилади. “Чоймомо” маросимида қўлланиладиган супурги шамол худосининг қаҳрини келтирувчи зиён-заҳматларни қувиш ва уларни ташлаш билан боғлиқ деб таъкидланади. Спектаклда “Кўч бадик” кўшиғининг айтилиши қуюн билан боғлиқ халқ қарашларининг умумлашма киёфасини акс эттириб, қиз руҳидаги бадик-жинни хайдаш сахнаси орқали халқ диний фольклори ва даволаш удумлари намойиш этилади. Шу ўринда халқ даволаш маросимларида “жаҳр”, “кўч”, “кинна солиш” удумларининг мавжудлиги бунинг исботидир.

Воқеалар ривожига “Хўп майда”, “Ёрғичок” кўшиқлари ижроси асосида куз мавсумида ўтказиладиган маросимлар бажарилади. Дон янчиш, янчилган доннинг ёрғичокда чиқарилиш жараёни кўрсатилар экан, оғир меҳнат, ижтимоий муаммоларни акс эттирувчи ҳазин кўшиқлар қуйланади. Спектакл учун танланган ёрғичок кўшиқлари икки хил усулда, бири ғамгин, иккинчиси шўх усулда қуйланади. Биринчисида оғир меҳнат акс эттирилса, иккинчисида бўйи етган қизга куёв танлаш қуйланади. Сахнада ушбу кўшиқлар ижро этилар экан, томошабин ҳаёлида халқнинг камтарона ҳаёти жонланади.

Халқимизда азалдан балоғатга етган қизга муносиб куёв танлаш, тенги билан кўшишга уриниб келган. Қиз бола оиланинг ор-номуси саналиб, икки ёшнинг илк учрашув дамлари гўзал тарзда тўйлар, байрамларда амалга оширилган. Спектаклда бунга алоҳида аҳамият берилиб, икки ёшнинг бир-бири билан учрашиши “Ёрғичок” маросимида амалга оширилади. Йигит (А.Узоқов) муҳаббат рамзи бўлган қизил олмани қизга ирғитар экан, маросим фониди ўзгача романтик кайфиятни ҳосил қилади. Куёвни келинга кўрсатиш, келин номидан айтилган айтимлар спектаклда энгил қулгу уйғотиб, совчилик маросими билан боғлиқ сахнани вужудга келтиради. Маросим “Ёр-ёр” садолари остида никоҳ тўй одатларига боғланиб, сахнада воқеалар ривожини тезлаштиради. “Кампир ўлди”, “Оёқ босди” маросимларидан кейин келин ва куёвнинг чимилдиққа киритилиши, сахнада дўмбира чалиб аёлларнинг дoston айтиши билан воқеалар келинчакнинг бешик тебратиб ўтиришига уланиб кетади. Спектакл Яссавийнинг ҳикматлари билан яқун топади.

“Аёлғу” — миллат ҳаётини этник анъаналар билан боғлаб тасвирлаган фалсафий спектакл. “Аёлғу” бешикдан тобутгача, тупроқдан яралган инсоннинг тупроққа қайтгунича, бешикдан тўрт оёқли чўбин отгача бўлган вақт оралиғи учун ёзилган тақдирда ғам ва андуҳни энгиб ўтиш мақсадида ўтказган маросим амалларига эътиқод кўйган инсон ҳаёти акс этган асар. Спектакл томошабинга умр эътиқодлар жамланмаси эканлигини эслатади. Ўткинчи ҳаётда ҳеч ким боқий эмаслиги, у инсон билан мавжуд эканлиги ҳақида мушоҳада қилишга ундайди. Зеро, авлодлар алмашинади, аммо эътиқод, анъана, этник маросимлар боқий қолаверади. ■

Ботир САНГИРОВ

# Xalq qo'shiqlarini o'rganish va o'rgatishning o'ziga xos usullari

Халқимизнинг миллий кўшиқлари, куйлари, рақслари узоқ йиллар давомида шаклланиб келган. Улар тўхтовсиз равишда ўз замонасига қараб ўзгарди, такомиллашди, баъзан эса шу соҳа мутахассислари томонидан қайта ишланди. Халқ оғзаки ижоди ҳам шароитдан келиб чиқиб, фасл, об-хаво, турмуш тарзи, соғлиқ, иш, кайфият, тингловчилар жинси, ёши, касби ва ҳоказо факторлар таъсирида куйлаш, тинглаш давомида шаклланиб, ўзгариб, баъзан эса янгилашиб, яъни ўзига хос янги сўзлар, ўхшатишлар, танкидлар, кесатиклар, ҳазил-мутойибалар орқали шаклланди.

Халқ кўшиқлари ижрочилари асосан халқ орасидаги гапга чечан, ўзига хос истеъдод эгалари томонидан яратилади, ижро этилади, баъзан эса шароитдан келиб чиқиб ўзгартирилади.

Масалан, Жиззах тумани туб аҳолиснинг тўй-маросим кўшиқларидан “Янгажон” кўшиғига мурожаат қиладиган бўлсак:

Азал-азал бор эрур, янгажон,  
Куёв топиш одаги, янгажон.  
Йигитга насиб этса, янгажон,  
Куёвлик саодати, янгажон.

Сира билмасин биров, янгажон (Йигит ёнидаги жўрасини кўрсатади)

Мана шу жўрам куёв, янгажон (Йигитлар навбатма-навбат).

Мана мен куёв, мана мен куёв (Барча жамоа айтади)

Мана биз куёв, янгажон.

Қани дўппини олинг, янгажон (Навбатдаги йигит),

Кийгизинг менга чопон, янгажон.

Тўнингизни кийиб олиб, янгажон,

Сурай келин-ла даврон, янгажон.

Мана шу кўшиқда, авваламбор, йигитларнинг шўхлигию ҳазили, сўзга усталиги куйланса, янга куёв жўралар орасидан куёв топиш, куёвни таниши лозимлиги айтилса, шу алфозда куёвлик саодатию келин ила даврон суришига ишора қилинмоқда. Бу кўшиқ Жиззах туман маҳаллий аҳолиснинг тўй-маросим кўшиқларига кириб, келин томондаги янгалар куёв томонга сарпо олиб келганида ёки тўш едириш учун келганида айтиладиган куёв жўраларнинг ҳазил кўшиғи ҳисобланади.

Энди кўшиқни ўрганишга келадиган бўлсак, унда, авваламбор, кўшиқнинг қайси маросим пайтида айтилиши,

кимлар томонидан ҳамда кимларга атаб айтилиши, унинг оҳанги, усуллари йўналиши каби жиҳатларига эътибор қаратиш лозим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу кўшиқ куёв жўралар томонидан куёвга сарпо кийдириш пайтида ижро этилади. ҳамда шўх ўйноқи оҳангга эга бўлганлиги сабабли ўзига хос рақс қисмига ҳам эга. Сўзлар талаффузи эса тўлиқ Жиззах тумани туб аҳолиснинг шевасига таянган ҳолда яратилганлигини дарров англаб олиш мумкин бўлади. Шева, оҳанг бузиладиган бўлса, кўшиқ ўз шаклини йўқотади, тушунарсиз яратилган бўлиши, маъно ва мақсади кўринмай қолиши ва ниҳоят бошқа кўшиқлар оҳанглари билан аралашиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун ҳам кўшиқни ўрганишда, авваламбор, унинг яхши ижрочиларини топиб, магнитофон тасмасига туширишдан олдин жонли овозда кўшиқ кимнинг ижросида, қачон, қаерда, йилнинг фасли, куннинг қай маҳали айтилганлиги, хона жиҳозлари, кимлар борлиги, уларнинг кўриниши ва лақаблари ҳам эътиборга олинади. Юқорида айтганимиздек, фольклор кўшиқчилар сўзга уста, ҳозиржавоб, шароитдан келиб чиқиб кўриб турган нарсаларини ҳам ҳисобга олган ҳолда кўшиқнинг матнига ва оҳангига ўзгартиришлар ҳам киритиб кетадиларки, бу факторларни ҳам ҳисобга олишимиз мақсадга мувофиқдир. Бу ҳол ўзбек халқининг ўлмас санъат намуналаридан, баъзан аския, қизиқчилик қабиларни ҳам эслатади. Ана шундай устмонлик баъзида кўшиқ матнларига янги-янги сўз, оҳанг, нолалар, қочиримлар, ўйноқликлар киритилишига сабаб бўлади.

Баъзида халқ кўшиқлари ижрочилари ўзларининг бисотидаги бошқа кўшиқлар сўзларини ҳам ишлатиладилар, оҳангни тўхтатиб, кўшимча сўзлар, ҳазиллар каби ўз сўз бойликларидан фойдаланадиларки, бу устмонлик моҳирлик, кўшиқнинг мақсад-мантқ қисмини бузмас-

дан ушбу ўзгаришларни ҳам ўрганиш, изланиш ҳамда имкон қадар ёзиб олиш лозим бўлади. Хуллас, тадқиқот мақсадида кўшиқни ёзиб олишда шева, оҳанг, усул каби факторлар, сўзни қоғозга туширишда шеванинг бузилмаслиги қабиларга жиддий эътибор қаратилиши лозим.

Кўшиқни ўргатишда аввал кўшиқ матнини таҳлил қилиш зарурдир. Негаки, ҳамма кўшиқ сўзлари ҳам барча ёшдаги ўрганувчиларга тўғри келади деб айтиб бўлмайди. Чунки халқ кўшиқлари оммабоп ва хос турларга бўлинади, уларда алқовлар билан бир қаторда баъзан қарғиш, нолиш қабилар ҳам учрайди. Кўшиқни ўрганиш ва ўргатишда ана шу жиҳатларга катта эътибор қаратиб, ўрганувчи жинси, ёши, касби қабиларни ажрата билиш ҳамда шу факторлардан келиб чиқиб назарияни ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиззах вилоятининг ушбу туман аҳолиси халқ кўшиқлари бисотида жуда кўп тўй-маросим, меҳнат кўшиқлари, байрамларда куйланадиган алоҳида кўшиқлари, шу кўшиқлар ижрочилари томонидан маҳаллий аҳоли вакиллари, қариялардан ўрганиб, ёшларимизга ўргатиб келинаётган ҳаракатли-ўйинли кўшиқлар жуда кўп. Биз бу кўшиқларни ўрганишда ҳар доим юқорида келтирилган жиҳатларга амал қилиниши, албатта, лозим деган фикрдамыз. Халқимиз ибораси билан фикримизни мухтасар қиладиган бўлсак, сувни тоза ҳолда сакласангизгина ундан фойдаланиш, яъни истеъмол қилиш мумкинлигини яна бир бор эслатмоқчимиз. Чунки халқ кўшиқларини ўрганиш ва ўргатиш жуда савобли иш бўлиб, бу ишда қаллоблик, фирромлик ярамайди. Зеро, бу кўшиқлар ҳар доим ҳам одоб-ахлоққа чақиради, дилимизда меҳр нуруни уйғотади, бир-биримизга нисбатан ҳурмат ва эътиборни кучайтиради. ■

Раҳматилла САРИМСОҚОВ

## FAYZINUR

Музыка инсон маънавий оламнинг таржимони, у инсон туйғусига таъсир этиб, кишини маънавий жиҳатдан тарбиялайди. Бугунги кунда музыка санъати инсонларга, айниқса, ёшларга кўтаринки руҳ бериши, уларни ижодкорликка, бунёдкорликка йўналтириши билан аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам юртимизда музыка санъатини ривожлантириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Санъат мактаблари, коллеж-лицейлар, олий ўқув юрларидаги ўқув-тарбиявий ишларни замон талаблари даражасида ташкил этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада замонавий ютуқлар билан бир қаторда ўтмиш авлодларнинг кўп асрлар давомида таълим-тарбия соҳасида орттирган бой, ижобий тажрибаларидан ҳам фойдаланиш муваффақият гаровидир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Халқнинг маънавияти, маданияти унинг маданий мероси, тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир. Юксак маданиятни эса чуқур ички маънавиятга эга бўлган халқ

яратади”.

Шунинг учун ёшлар маънавиятини, маданиятини тарбиялаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бадий ҳаваскорлик санъати ҳам кишиларнинг эстетик эҳтиёжларини қондириш, етук, комил инсонни тарбиялаш ишига хизмат қиладир. Бадий ҳаваскорлик жамоалари йўналишлари ва жанрлари турлича бўлиши мумкин. Шулардан бири — “Файзинур” ансамбли фаолияти билан таништиришни лозим топдик. Ушбу ансамбл 2005 йил январ ойида ўз фаолиятини бошлаган.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти (ҳозирда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти)нинг иқтидорли талабалари: Баҳодир Йўлдошев (қашқар рубоб), Хуршид Бекназаров (датор), Собир Туратов — ташкилотчи раҳбар (чанг), Дилрабо Анварова (датор), Зафар Ҳанитов (афғон рубоби), Ориф Ҳакимов (датор бас) лардан иборат кўп овозлик ансамбл ўз ижро маҳоратларини ошириш, сахна маданиятини эгаллаш, турли характердаги асарларни тарғиб қилишни мақсад қилиб фаолият юритдилар. Изланувчан, ўз касбини севган, билимга чанқок талабалар дастлабки концерт дастури билан мусиқа шинавандалари кўригидан муваффақиятли ўтдилар. Дастурдан

“Фантазия Қурбониён”, “Адол тановор” ўзбек халқ куйи, “Калинка” (рус халқ куйи), “Чардаш” (В.Монти), “Баҳчақюрд” (А.Герай), “Ражабий” (ўзбек халқ куйи), “Қадимий ушшоқ” (ўзбек халқ куйи) каби асарлар ўрин олган эди. Устозлар, мутахассислар ва концерт томошабинларининг ижобий баҳоси ансамбл иштирокчиларини руҳлантирди. Янги асарларни ўзлаштириш, репертуарни кенгайтириш устида иш олиб борилди.

Ансамбл иштирокчилари ўз чолғуларидан ташқари бошқа чолғуларни ҳам ўзлаштиришга эришдилар, яъни икки ёки уч турдаги чолғуларда ижро маҳоратини эгалладилар. Улар ўзларининг бетакрор ижролари билан турли кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрий ўринларни қўлга киритмоқдалар.

2005 йилнинг 8 октябрида “Барҳаёт наволар” деб номланган миллий чолғу ижрочиларининг биринчи Республика кўрик танловида “Файзинур” талабалар ансамбли иштирок этиб, чанқовуз, сопол най, қўшна, сибизга, дудук чолғуларидан “Халқ термалари”дан фойдаланиб ўз ижро маҳоратларини намойиш қилдилар ва “Фахрий ёрлик” билан тақдирландилар.

2006 йил 12 апрелда Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг катта залида ўтган анъанавий “Ўзбек миллий чолғу ансамллари ва оркестрларининг V Республика фестивали”да иштирок қилдилар. Унда уста Абдумалик Абдураимов томонидан қайта тикланган дилнаво, дилрабо, мерос, хушнаво, ғижжаки бобурий каби ўзбек миллий мусиқа чолғуларидан асарлар ижро этдилар. “Файзинур” ансамбли янги яратилган чолғуларда “Халқ термалари”, ўзбек халқ куйларидан “Адол тановор”, молдован халқ куйларидан “Дойна” асарларини кўтаринки руҳда ижро этиб, тингловчиларда катта қизиқиш уйғотдилар. 2007 йилнинг октябрида хориж маданият ва санъат академияларидан ташриф буюрган мутахассис вакиллар олдидан ҳам чиройли чиқиш қилиб, ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Бундай масъулиятли концерт чиқишлар талабаларни чиниктирди, ижро малакаларини оширди, сахна маданиятини эгаллашда мактаб вазифасини ўтади. Бундан ташқари ансамбл турли ўқув юрларида концерт дастурларини намойиш этишни давом эттирди. Мусикий мерос ва замонавий асарларни ўрганишга жиддий эътибор қаратди. ■

Бахтиёр АЗИМОВ

Бугунги одам – шахс. Шахснинг ўзлиги эса, ҳар кимга, ҳатто, шу одамнинг ўзигада доим ҳам осон очилавермайдиган тилсимли қўғондир. Шоир шахсият қўғонини очиб, ҳар лаҳзада турланиб турадиган инсон руҳияти манзараларини акс эттирадиган ҳунар эгасидир. Бунинг неъмат ёхуд қисмат экани номалум. Лекин асл шоирлик инсоннинг кўнгил қўғонига кириш экани аниқ. Бугунги ўзбек шеърляти бутун эътиборини кўнгилга қаратаётгани, шоирлар томонидан бир шахснинг кўнгил ҳолати бутун жамиятнинг руҳий ҳолатидан кам кадрланмаётгани шундан. Кейинги юз йиллик давомида жамиятнинг руҳий барометри бўлиб келган санъаткорларнинг эндиликда ижтимоий муаммолардан кўра шахс кўнглига кўпроқ эътибор қаратаётгани ҳам шу боис.

Саъдулла Ҳақим – кўнгил кўриқларини ўз йўли билан очаётган шоир. У ўзининг поэтик миссияси тўғрисида кўп ўйлайди. Қатор битикларида шеър ва шоир моҳияти англашга интилади:

*Учқур назм отим, сен асов,  
Энтикасан, шошасан қайга?  
Юрар йўлинг пасту баланд, дов,  
Толдирмасми поёнсиз пойга?  
Мен биламан, пойга ул недир,  
Минг полвонга биргина улоқ.*

Бу сатрларда биргина улоқни минг полвон орасидан айириб чиқишга маҳқум шоирнинг қисмати акс этган.

Бошқа бир шеърдаги: “Шоир бўлсанг, шоирликнинг айтимай маънисин, Бешиқдаги гўдаклар ҳам сутдай танисин!” сатрларида шеърлятнинг одамлар учун гўдакка сут каби зарур ҳодисага айланиши кераклиги таъкидланади. Саъдулла бунга қандай эришилиши кераклигини айтмайди, эҳтимол, ўзи билмас ҳам. Лекин у масала қўяди, мўлжални белгилайди. Шеърлят учун масала қўйишу муносабат уйғотишдан муҳимроқ масала йўқ.

“Эҳтирос” шеърда илҳомий тўлғоқдаги шоир ҳолати шундай ифода этилади:

*Бағрим яшнар, юрагим илиб,  
Қалбимда шеър гул каби битар.  
Қалам гўё оловнинг тили,  
Бармоқларим ловуллаб кетар.*

Бундай битиклар кўнгилга таъсир этмай, демакки, уни покламай қолмайди.

Саъдулла Ҳақимнинг шеърларида кўпинча юксак туйғулар жунбуши акс этади: “Юрагимни пора кўрдим, бўзладим хун-хун, Ой юзида қора кўрдим, сачраб кетди тун!” мисраларида бўзловнинг зўридан парчаланган ва ой юзига қора доғ бўлиб тушган тун тимсолининг оҳорли тасвири эса қолади.

Тоғ қўйнида ўсиб улғайган Саъдулла унинг бетакрор ва сирли гўзаллигини яхши билади. Унинг шеърлятида табиат ҳодисаларининг жозибали эстетик манипуляциясига кўп дуч келиниши сабаби шунда. Шоир шеърларида табиат унсурлари худди одамлар каби сезади ва туяди, суяди ва куяди:

*Бу боғнинг боғбони чол эди,  
Терак лол: “Кетди у қайёққа?”*

*Шафтоли қомати дол энди,  
Бўзлайди таяниб таёққа.*

*Узумлар йиғлашар мўлтираб,  
Япроққа бекитиб юзини.  
Йўл чопар боғ аро тентираб,  
Йўқотиб боғбоннинг изини.*

Бу сатрларда боғбонини йўқотган боғ ва ундаги турли табиий унсурлар – отасидан айрилган ўғил ҳолатини ифодалаш воситаси. Теракнинг лол туриши, мевасини кўтаролмай таёққа суянган шафтоли қоматининг доллиги, узумларнинг юзини япроққа босиб йиғлаши, йўлнинг боғбон изини излаб боғаро тентираши тасвири орқали аслида улкан инсоний дард ифода этилган. Шунингдек, “чол”, “лол”, “дол” сўзларининг аллитерацияси ҳам ўзига хос поэтик ҳаво яратган.

Бошқа бир шеърда табиатнинг бетакрор манзарасини маҳорат билан чизар экан, ўзининг кирғоғидан тошиб кетай деб турган туйғуларининг бутун залворини сўнгги бир шеърлий қаторда ифода этади.

*Қуюқ туман титрар дарада  
Қуюқ туман бамисли денгиз.  
Чўмилади дарахтлар яйраб,  
Сочларини ёйиб гўё қиз.*

*Қуюқ туман титрар дарада,  
Қуюқ туман денгиз тимсоли.  
Сузиб юрар уйлар, одамлар  
Сув остида кема мисоли.*

Чинни каби жаранглар ҳаво!

Умуман, табиат лирикаси айна шу сўнгги сатрдаги каби чертма сўзлар орқали шоир кўнгли ҳолатининг яхлит тасвирини бера олгани билан қимматлидир. Титроқ қуюқ туманнинг оғушида сочини ёйиб чўмилаётган қиз каби яланғоч дарахтлар, туман денгизида сузиб юрган уйлару одамлар, туманнинг сон мингта кўкатда шудринг тарзида қолган қумуш излари каби тасвирлар тизими айнан ҳавонинг чинни каби жаранглашини, демакки, туманли сокин ҳаво жарангини тинглай оладиган ҳолатдаги шоирона руҳий кайфиятни бериш учун бир восита бўлган.

“Болалик” маснавийсидаги: “Советтан лаҳча чўғдек кизариб тоғ-тош, Ётоғига қуёш аста қўяр экан бош” сатрлари орқали тоғ кишлоғининг гўзал манзарасини чизиш ўз ҳолича мақсад эмас, балки унутилган болалик билан юзма-юз келаятган ва у вақтдаги софлигидан айрилган одамнинг афсуснадоматлари қанчалик улканлигини яққолроқ кўрсатишга восита бўлган. Бу ҳолат маснавийнинг қуйидаги сатрларида янада аниқ сезилади:

*Ҳамма танир, танимайди шу бола фақат,  
Кўкрагида бир куч тепар одил, бешиқфат.  
У мен қилган хатоларни ўтажаск четлаб,  
Ҳақ сўзини рақибига айтолур бетлаб.*

*У севганда юрак-бағри қон бўлиб севар,  
Бағри ер бўлиб, кўкси осмон бўлиб севар.*

Ижодкор зотики бор ўзининг ҳеч бўлмаса болалигидаги каби пок эмаслигидан ёзғириб ўтади. Саъдулланинг маснавийсида ҳам ана шу армон акс этган.

Ўзбек интизоми билан ажралиб туради. Миллий шеърятда ҳам этносга ҳос ана шу белги акс этади. Шеърларимиз деярли ҳамиша вазн, туроқ, қофия каби поэтик унсурлар билан зийнатланган бўлади. Аммо Саъдулланинг айрим шеърларида доимги интизомга амал қилинмагани, сатрлардаги бўғинлар сони, туроқлар ҳолати, қофия тартиби, мусиқийлик бузилгани кузатилади. Лекин бу бузилиш шеърларнинг ўқишли ва таъсирчан бўлишига хизмат қилади. “Ёмғир суви” шеъри шундай битиклардан бири.

*Тун. Ёмғир шовуллар, шамол тентирар,  
Тарақлаб очилар эшик ногоҳон.  
Хонага ёприлар ёмғир салқини  
Қордек оқ кўйлакли бўлиқ бир жувон  
Остонада ўйчан термулиб турар.*

*Сирли оҳанглардан энтиқар қалби,  
Шамол сочларини тортқилаб қочар.  
Шаффоф томчиларни юзига сочар,  
Ҳилтирар кўйлаги оқ ёлқин каби,  
Жунжикиб оҳиста кирар ётоққа.*

*Кўксини тўлдириб ёмғир навоси  
Кўз очару жонбахши сезгидан эри  
Сингиб кетар муздек бағрига эриб,  
Май каби симириб баҳор ҳавосин.*

*Тун. Ёмғир шовуллар. Шамол энтиқар.*

Биринчи бандда тентираган шамолнинг сўнгги бандда “энтиқиши” асл шеърятнинг белгиси. Шеърхон ўйлаб қолади: шеърнинг бошида тентираётган шамол эди, охиридаги нима экан, балки кимдир?

Бу шеърда миллий поэзиямизда деярли бўлмаган қофия тизимидан фойдаланилган. Яъни биринчи банднинг биринчи ва бешинчи қаторлари бир-бирига қофиядош келади. Қолган бандларнинг сўнгги бешлиги эса, умуман, қофияга тушмайди. Шоир поэтик тасвирни қофия ва вазн талабларига эмас, балки уларни шеърый тасвир талабларига мослашга уринади.

Шоирнинг “Саратон” шеърда туроқ ва бўғинлар сонидаги номуносиблик тасвир мутаносиблигига хизмат қилганини кўриш мумкин.

*Тирноқдай губор йўқ, Осмон бир ёруғ.  
Тонлар ичра отар сара тонг.  
Кўк гўмбази гўё сариқ том,  
Ловуллайти фалак тоқида гулхан.  
Тоблар, эритар қуёшини ёмби олтиндай  
Фалакка ўт қўяр Саратон...*

*Кетмон соясида мудрайди ғайрат,  
Шийтонда ёнбошлаб ўй сураб дехқон.  
Ҳаёти жилдираб эгатга оқар,  
Саратон пиширар умидларини.  
Фикрида нур чақнар.*

*Ниҳоят қип-қизил тилла ёмбини  
Уфққа ботираб фалак гўлахи.*

*Фалак чуйкаб кетар...*

*Сачрайди фалакка эриган қуёш,  
Балдоқдай товланар ярим бўлаги.  
Ўрик шохларига томар,  
Нафис ётоқларга тўкилар  
Қаҳрабо қуёш томчилари.*

Шеърни бандларга ажратиш тартибига ҳам, вазнга ҳам, қофияга ҳам деярли риоя қилинмаган юқоридаги шеърда саратон ҳавосининг ҳолати мураккаб сифат ва хусусиятлари билан чизилган. “Кўк”нинг “сарик”ка қарши қўйилиши фалак тоқида ловуллаётган, қуёшни эритаётган саратоннинг қудратини бўрттиришга хизмат қилган. Шеърдан гўё қуёш саратонни эмас, саратон қуёшни эритаётгандай таассурот пайдо бўлади. Бизнинг шеърятимизда “Кетмон соясида мудрайди ғайрат” тарзидаги образли ифода илк бор қўлланилган.

Саъдулла одамларнинг бир-бирига эзгулик истаб, бир-бирини кўргиси келиб яшашини орзулайди ва буни: “Соғинч билан яшайсан, соғинчни соғингайсан... Юрагингни ўртаган соғинчга сизингайсан” тарзида ёхуд: “Биров эдим, бешов бўлиб соғиндим...”,- дея оригинал ифодалайди. Самимий туйғулар ва тамкин ифода шеърхонни мувозанатдан чиқаради.

Инсоннинг имкону имконсизлиги, чорасизликнинг чора экани шоирнинг “Тавалло” шеърда шундай ифода этилган:

*Талпинган илоҳам шунчалар узоқ,  
Бағримга беркинган кунчалар узоқ,  
Сирлашсам, сир тўла гунчалар узоқ,  
Югурдим, жойимдан жила олмадим.*

*Ўзимдан ўзгача бўла олмадим...*

Шоир ҳаётнинг чигаллиқлари, инсонлараро муносабатларнинг мураккабликлари борасида ўй сураб экан, дунёда ҳеч қачон ечилмайдиган мушкул муаммо аёл табиати деган ҳаққоний хулосага келади ва шеърларининг бирида аёл тўғрисида:

*Ечилмайди ҳамон бу тугун,  
Туша олмас ҳеч ким орага.  
Аёл макри юк бўлар бугун,  
Қирқ туюю эр бечорага.*

*Аёл меҳри, ў, тенгсиз жоду,  
Макридан зўр эрур минг чандон.  
Чин истаса бир боқишида у,  
Қирқ кофирни айлар мусулмон! - деб ёзади.*

Саъдулланинг аксарият шеърларида табиат ходисалари инсондан ташқаридаги борлиқ сифатида эмас, балки ҳамиша у билан бирга бўладиган, ҳатто, шоирнинг ичидан жой олган яратик каби тасвирланади.

*Ярим тунда кўз очсам  
Ёнимда ётибди ой.  
Сочлари – нур ёмғири,  
Юзлари – тиниқ ширмой.*

*Томиримда қон эмас,  
Гурас-гурас оқди нур.  
Ойга қаранг... юзида  
Бўса изи кўринур!*

Нурдай туйғулари сабаб ой юзида доғ қолдирган шоир сезимларининг йириклиги ўқирманга хуш келади. Шу боис

шоирнинг “Муҳаббат” шеърдаги каби фавқулодда истаклари шеърхонни кўпам хайрон қолдирмайди:

*Йўлбарснинг кўйнида ухлагим келар,  
Кийикнинг қулогин тишлагим келар.  
Васлинг оташида кўйиб қул бўлиб,  
Ҳажринг аёзида қишлагим келар.*

Саъдулла бошқа бир шеърида: “Туёқ излари ёмғир сувига тўлди, Ўтлоққа тўкилди ой синиқлари”,- дея ойни синдириб ерга тушира ва синиқларини майса япроқларидаги шудринларга сочиб юбора олади.

Шоир ўз шеърларида табиатни одам сифатлари билан зийнатлайди. Унда рўй берадиган ўзгаришларни худди одамлараро муносабатлардаги сабаб-оқибат алоқалари каби изоҳлайдики, бу унинг битикларига ўзига хос тароват бахш этади:

*Осмон ерни қиздек қучоқлаб ётарди,  
Шивирларди суйиб, эркалаб, қулиб.  
Тонгда хушбўй гуллар тугилди сархил  
Осмон каби пок, Ер каби сулув.*

Келтирилган мисолда ҳам биз одатланган шамойилдаги тўқ қофия йўқлиги кўзга ташланади. Бу шоирнинг қофиябоп сўз тополмаганидан эмас, балки бетакрор табиий ҳолат тасвирини қофиянинг қолипига тушираман деб, унга зуғум ўтказиб кўйишдан сақланишга уриниши натижасидир.

Ёз пайти акс этган куйидаги шеърда синчков ва топқир шоир табиат манзарасини шундай жонлантирадики, бирон ўринда сунъийлик, зўракиликка йўл қўйилмайди. Натижада ўқирман тасвир этилаётган табиий кечимни туйиш эмас, кўриш имконига ҳам эга бўлади:

*Салқин жой қидириб сув  
Қочмиш қудуқ тубига.  
Ҳар ерда тўп-тўп сурув  
Чашма кирар тушига.*

*Эсади илиқ-илиқ  
Ялқов шаббода овуш.  
Тумшугин чўмич қилиб  
Ҳансираб нур ичар қуш.*

*Зардоли танасида  
Мудраб ётган ўт-отаи.  
Шохларда ёнар сачраб  
Бамисли қаҳрабо тои.*

Бу шеърда салқин жой қидириб қудуқ тубига қочган сув, чанқоқ сабабли тушида фақат сув кўрадиган тўп-тўп сурув, саратон шабадасининг ялқов ва овушлиги, хансираган қушларнинг тумшугини чўмич қилиб сув эмас, нур ичиши, ўрик танасида саратон оташнинг мудраб ётиши, шохлардаги мевалар қаҳрабо рангида ёнаётганлиги тасвири ғоят моддийлиги ва тасаввурни кўзгаши билан эътиборга лойик.

Шоирнинг шоирлиги шундаки, у олам ҳодисаларини боридай эмас, балки ўзига кўринганидай кўради ва кўрсата билади. Шунинг учун ҳам шеърларда борнинг йўқ, йўқнинг эса бордай тасвирланишидан ажабланиб бўлмайди. Саъдулла ёзади:

*Сезим ожиз, сенми бу ёки  
Қуйилган тун – кўксимдаги бош.  
Ерда замиш,  
кўкда осмон йўқ.  
Қўёш – совиб қолган қора тош!*

Бу мисралар ўқирманни ўз кўзи билан кўрганлари эмас, шоир айтганлари ҳақлигига ишонтира олиши билан эътиборлидир.

Адабий тилимизга кирмаган халқона сўзларни ўринли қўллаш Саъдулла Ҳаким шеърларидаги ўзига хосликнинг омиллариандир. У шеърларида “чийир”, “якон”, “биччи”, “елмой”, “қирғияк”, “ойланиш” каби тимсолга жон, тасвирга жозиба бахш этадиган сўзларни ишлатади. Шоирнинг:

“Кунларим ойланди, йўқлай олмадим...”,- ёки “Ҳаво бўйсира қиз лабидек ширин...” каби ифодаларидаги шева сўзи ўрнига бошқаси қўйилса, мисранинг таровати йўқолади.

Ижодкор хамиша, ҳатто, тарихий шахсни тасвирлаганда ҳам, асосан, ўзини ёзади. Шоирлар бир умр болаликларини шеърга солишади. Улар, ҳатто кексалиқдан шикоят қилганларида ҳам болалик айвонида турган бўлишади. Шу боис куйидаги мисраларда кўп жихатдан Саъдулла Ҳаким шеърлятининг моҳияти акс этади дейилса, нотўғри бўлмайди:


*Тор кўчани тўлдириб  
Оқади олма иси.  
Олмазордан кўчага  
Тўкилар қиз қулгуси.*

*Тирмашаман деворга  
От кўяр елкасини.  
Олмасини ислайман  
Богбоннинг эркасини.*

*Ногоҳ сергак богбон чол  
Бог тинчини бузади.  
Қарсиллатиб шийпонда  
Оғзидан ўқ узади.*

Саъдулла Ҳакимнинг кўпчилик шеърлари ўқирманда нозик туйғулар ва ингичка сезимлар тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Биладиган одамлар гарашалик эшон Ҳакимхон отани уста ҳолвачи бўлган дейишади. У кишининг ўғли Саъдулла Ҳаким шеърларидаги ўзгача тот ўша кўли ширин отадан ўтганга ўхшайди. Шоир энг долғали ва эзгин ҳолатларни ҳам тотли йўсинда ифодалай олиши билан ўзга ижодкорлардан ажралиб туради. ■



Қозоқбой Йўлдош,  
профессор

# Lapar va o'lan ijrochilarining an'anaviy Respublika ko'rik-festivali



# Har chiqishda bir joziba



Инсондаги иктидор, қобилият энг аввало оилада шаклланади, қарор топади. Шунинг учун бу ҳислатларнинг жамиятимиз ривожига аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Санъат инсонга эстетик завқ бағишловчи энг жозибали бир кучки, ундан баҳраманд бўлган дилларда фақат эзгулик уруғлари бўй кўрсатади.

Яқинда Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида оилавий ансамблларнинг анъанавий Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мазкур кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси, Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси, Республика “Қамолот” ЁИХ Марказий Кенгаши, Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги



Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Шаҳрисабз туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини, шунингдек, ушбу Дастур бўйича қабул қилинган Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2012 йил 19 апрелдаги 397-сонли буйруғи ижросини таъминлаш, республикада фаолият олиб бораётган оилавий ансамблларнинг ижоди билан танишиш, ёшларимизни оила, миллий

қадриятларимиз, урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, мусиқа ва санъатга бўлган қизиқишларини янада ошириш, энг намунали оилавий ансамбллар фаолиятини кенг тарғиб этишдан иборат эди.

Танловнинг саралаш босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 100 га яқин оилавий ансамбллар жамоалари ўз дастурлари билан қатнашиб, қадимий халқ кўшиқлари, ўзбек мумтоз мусиқалари, шоир ва бастакорлар томонидан яратилган она Ватан ва истиқлолни мадҳ этувчи мусиқий асарларни ижро этдилар. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан жамми 150 нафар қатнашчиси бўлган 12 та оилавий ансамбл ўзаро ижодий беллашдилар.

Аввало, Шаҳрисабзга ташриф буюрган оилавий ансамбл иштирокчилари шаҳарнинг марказидаги Оксарой тарихий мажмуасида жойлашган Амур Темур хиёбонида бўлишиб, сохибкирон хайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тадбирни Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Асрор Жўраев табрик сўзи билан очди. Дастлаб ўз санъатларини намойиш этган Андижон вилояти Балиқчи туманидан ташриф буюрган Ражабовлар оилавий ансамбли аъзолари томонидан ижро этилган кўшиқлар, рақслар барчада илик таассурот уйғотди. Томошабинлар уларга гулдурас қарсақлар билан жўр бўлишди.

Хоразмни асл санъаткорлар юрти деб бежизга айтишмайди. Воҳа аҳлининг ёшу қариси санъатга алоҳида бир меҳр билан қарайдики, бу миллий қадриятлар йиллар давомида ривожланиб, сайқалланиб келди. Танловда хоразмлик Рўзметовлар оилавий ансамблининг шу юртга хос жозибадор кўшиқ-рақслари барчанинг хайратини оширди, десак муболаға бўлмайди, албатта.

Лекин танлов ўз номи билан танлов. Унда фақат энг кучли, энг иқтидорлилар ғолиб бўлади. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор Ҳабибулло Раҳимов раислигидаги нуфузли ҳакамлар хайъати аъзоларининг узок тортишув ва

бахс-мунозараларидан сўнг ўринлар белгиланди. Умумий натижаларга кўра, Хоразм вилоятидан келган Рўзметовлар оиласи танловнинг олий ўрнига лойиқ деб топилган бўлса, Андижон вилояти Балиқчи туманидан Ражабовлар оиласи, Шахрисабзлик Абдуллаевлар оиласи биринчи, Қорақалпоғистон Республикасидан Тўлегеновлар оиласи, Самарқанд вилоятидан Одиловлар оиласи, Андижон вилояти Пахтаобод туманидан Раҳмоновлар оиласи иккинчи ўринни, Навоий вилояти Хатирчи туманидан Дехқоновлар оиласи, Жиззах вилоятидан Муродовлар оиласи ва Хоразм вилояти Урганч шаҳридан Бобожоновлар оиласи, Қашқадарё вилояти Китоб туманидан Баҳромовлар оиласи учинчи ўринни эгалладилар.

“Энг яхши мақом ижрочиси” номинациясига Севинч Рўзметова, “Энг яхши лапар ижрочиси” Олмахон Абдуллаева, “Энг яхши ракс ижрочиси” Оқила Дехқонова, “Энг ёш ижрочи” номинациясига Ражабовлар оиласи иштирокчиси Асилбек Комилов, “Энг яхши кўшиқ ижрочиси” Баҳрулло Одиловлар деб топилдилар.

Сирдарё вилоятидан Ойбек Худойберганов, Қорақалпоғистон Республикасидан Муяссар Бозорбоева ва Хурия Бозорбоева, Андижон вилоятидан Раҳмоновлар оиласи иштирокчиси Омадулло Жўраев, Саломат Ражабова, Жиззах вилоятидан Жасур Муродов таъсисчиларнинг фахрий ёрлиғи ҳамда махсус совғалари билан мукофотландилар.

Ғолибларга Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази ҳамда таъсисчиларнинг диплом, фахрий ёрлик ва совғалари тантанали суратда топширилди.

Кўрик-танлов иштирокчилари ва ғолибларининг келгуси ижодларига улкан парвозлар тилаймиз. ■

*Нуржаҳон НИЁЗОВА*





У Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси. Шунингдек, кинода, телевиденида кўплаб роллар ижро этиб, томошабинларнинг кадрдонига айланган. Унинг ёркин истараси оккўнгил, меҳри дарё, сабр-бардошли ўзбек аёлларининг тимсоли тарзида кўплаб образларда намоён бўлган. У ҳаётда ҳам ўз образига эга аёл.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева билан суҳбатимиз унинг фаолияти, ижоди ва ўз образи ҳақида бўлди...

– Устозларимиздан бири шундай деган эди: *“Давр ўтиши билан театр ва актёрларнинг ижодий нафаси, талқин усуллари, ижро ранглари ўзгаради. Шунга яраша дид ва талаблари ҳам”*. Раъно опа, ҳозирги замон томошабинининг дид ва талаблари қай даражада?

– Балки бу аксинчадир. Дид ва талаб ўзгаришига яраша талқин ва ижро ўзгариши содир бўлаётгандир. Ҳаёт бир нуктада турмайди. У ўзгаришларга, янгиланишларга, ривожланишларга юз тутди. Дарҳақиқат, биз тезкор даврда, техника асрида яшаймиз. Биз айтаётган кўшиқларимиз, ёзаётган шеърларимиз, ижро этаётган ролларимиз, кўйинги, томошабинларимизнинг дунёқарашини ҳам, талаблари ҳам ўзгарди.

Бир пайтлар 2-3 пардали спектакллар кўйиларди, ҳар бир пардаси бир соат, икки соат давом этарди. Ҳозирги тезкор замонда эса антрактили спектаклларимиз камдан-кам бўляпти. Аксарият

# San'at ham hikmat

*Санъат мажбурлаш орқали эмас, балки ихтиёрый равишда ҳаммани ўз асирига айлантиради.*

Хоргий

спектаклларимиз бир соат, бир соату қирқ дақиқа, узоғи билан икки соат давом этипти. Мана шу қиска вақт ичида биз томошабинлар кўнглига йўл топишга, ўйлантираётган баъзи саволларига жавоб беришга, турмуш ташвишларини бироз чекиниб завқлантиришга ёки дуч келиб қолган муаммоларини ҳал этишга сабаб бўладиган сахна асарларини яратишга ҳаракат қиляпмиз. Олдинги томошабинлар билан бугунги томошабинларнинг жуда катта фарқи бор. Ҳозирги кун томошабини ўта талабчан, синчков, зийрак, қайсар, танлаб томоша қиладиган инсонлар. Қониктирмайдиган, зериктирадиган спектакл бўлса, шартга туриб чиқиб кетаверади. Бу — табиий таассурот ҳосиласи. Биз бу ҳолатга ҳамиша ҳозиржавоб бўлишимиз ва айтмоқчи бўлган фикримизни охиригача айтишга, маълум вақт давомида уларни ушлаб туришга ўзимизда куч топа билишимиз керак.

– *Миллий театримизнинг жонқуяр ходими сифатида театрининг бугунги фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.*

– Ўзбек Миллий академик драма театримиз истиклолимизнинг дастлабки йиллариданок ўз қаддини тиклаб олди ва устозларнинг анъаналарини давом эттирган ҳолда миллий маънавиятимизни, руҳиятимизни, маданиятимизни, ғуруримизни тиклайдиган спектакллар намоёиш этилди. Сўзимнинг исботи сифатида мустақилликнинг биринчи йиллариданок Чўлпоннинг миллий руҳ билан суғорилган асари “Ёркиной” драмаси, ўзбекона қадриятларни, катталар ва ёшлар ўртасидаги муносабатларни, хурмат-иззат, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат каби тушунчаларни ифодалаган “Чимилдик” спектакли, буюк аждодларимизнинг пок номларини қайтадан тиклаб “Соҳибқирон” спектакллари сахналаштирилди. Бахтим шундаки, санаб ўтилган асарларда мен ҳам катта-кичик ролларни ижро этдим. Театримизга ҳукуратимиз томонидан “Миллий театр” мақоми берилиши ҳам бу ишларимиз учун улкан маънавий асос бўлди.

– *Ўзингиз қайси долзарб мавзулар сахнада намоёиш этилишини хоҳлайсиз?*

– Бугунги кунда мен айтмоқчи бўлган долзарб мавзулар сахнага олиб чиқилапти. Булар одам савдоси муаммоси, гиёҳванд моддалар савдоси, “оммавий маданият” никоби остида кириб келаётган салбий иллатлар, ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий томондан мажруҳ қиладиган баъзи бир ғаразли кучларга қарши ўз фикримизни, ўз муносабатимизни билдирган ҳолда спектакллар намоёиш этияпмиз. Мисол учун, “Огоҳ бўлинг, одамлар”, “Омонат дунё”, “Тақдир синовлари” асарлари шулар жумласидандир.

– *Станиславский: “Режиссёрликни ўргатиш мумкин эмас, уни ўрганиш мумкин”, деган эди...*

– Ҳақиқатан, бу гапда жуда катта маъно бор. Бу гапни санъатнинг

бошқа соҳаси вакилларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Баъзан актёр рол ўйнай олмаса, хонанда яхши куйлай олмаса, режиссёр савияси паст фильм олса, мухлислар: “Унда истеъдод йўқ экан”, деб баҳолашади. Истеъдодда гап кўп. Аслида, санъат ҳам ҳикмат. Унга ёндашиш, уқиш учун ҳам маҳорат керак. Ваҳоланки, актёрнинг, хонанданинг, режиссёрнинг маҳорати бўлмаса, қалбида ўз касбига меҳр, яратувчанлик, бунёдкорлик каби тушунчалар жўш урмаса, шунчаки ўқиш билан, ўргатиш билан маҳоратли ижодкор бўлиб қолмайди.

**– Қайси режиссёрлар билан ишлаш мароқли?**

– Мен театрда бир қатор истеъдодли режиссёрлар билан ишладим. Ўзбекистон Халқ артисти Турғун Азизовнинг бир неча спектакларида роллар ижро этдим. Айни пайтда шу ижодкор билан Салоҳиддин Сирожиддиновнинг “Яраланган оккуш ноласи” асари асосида яратилаётган спектаклда бирга рол ижро этаётганим мен учун жуда қувонарли ҳол бўлди. Яна Валижон Умаров, Марат Азимов, Носир Отажонов, Олимжон Салимов каби бир қатор талабчан режиссёрлар билан ишлаш жуда қизиқарли ва мароқлидир. Булар актёрнинг маҳоратини юзага чиқариб, шакллантириб ишлайдиган фидоий режиссёрлардан.

**– Ҳозирги ёшлар ҳақида гап кетса, ўқишга эришишларини, фикрлаш доираси торлигини айтишади. Айниқса, бу ҳол ёш санъаткорлар орасида кўп учрайди. Сиз устоз сифатида шоғирдларингиздан қониқасизми?**

– Гапингизда жон бор. Ёшларимиз ҳақида ёши катталар уларнинг камчиликларини айтишса, мен уларнинг ютуқлари ҳақида кўпроқ гапираман. Бугунги кун ёшлари анчайин фаол, интилувчан. Уларга имкониятлар кўплигидан эришаётган ютуқлари ҳам самарали. Сиз айтган жиҳатлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Менимча, ёш актёр-актрисаларимизнинг аксарияти дунёкараши кенг, сўзга уста, ҳозиржавоб, фикри тиник. Қолганлари эса сиз айтгандек. Ушбу салбий оқибатларнинг боиси, ёшларимизнинг китоб ўқимаслигида деб биламан. Биласизми, инсон кўп нарсани китобдан олади. Қийинчилик бўладими ёки тўсиқка дуч келасизми – бу муаммоларни ҳал этишда, сизга китоб ёрдам беради.

**– Раъно опа, замонамизнинг қаҳрамон аёли қандай бўлиши керак?**

– Инсон дунёда кимгадир ҳавас қилиб ёки бўлмаса ўзини кимгадир менгзаб-солиштириб яшайди. Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳаси, ҳар бир соҳаси ўз қаҳрамонларига эга. У шифокор бўладими, ўқитувчи бўладими, санъаткорми, деҳқонми – ўз кучи, ғайратини, умрини касбига бағишлаган, янгилик ярата олган, жасорат кўрсата олган қаҳрамонлар мавжуд. Мана шундай улуғ инсонларни ҳукуматимиз ўз ўрнида рағбатлантириб, мукофотлаб бормоқда.

Ана шу фидоийларнинг ҳаёт йўлига назар ташлашимиз, уларнинг ибратли томонларини саҳнада спектакллар

орқали, кино картиналар орқали кўрсатишимиз керак.

Замон қаҳрамони бўлиш учун, албатта, жон бериш ёки қон тўкиш шарт эмас. Аксинча, вуждидаги қони қайнаб туриши керак. Фидоий ва ҳалол бўлиши керак. Севиш керак. Нимани? Аввало, ўз оиласини, ўз касбини, ўз яқинларини, ўз ватанини, ўз тупроғини. Ана шундагина замон қаҳрамони бўлиш мумкиндир.

**– Раъно опа, сиз маҳоратли актриса бўлибгина қолмай, анчайин таниқли шоирасиз. Қалбингиздаги кечинмаларни оқ қоғозга туширишингизга нима сабаб бўлди?**

– Ҳар бир инсон алоҳида бир дунё. Инсон қийинчиликларга дуч келса ёки бошқалардан азият чекса, дардини яқинларига айтгиси келади ёки йиғлаб кўнглини бўшагади. Одамзод дунёнинг паст-баландини, озорларини мана шундай йўл билан ўзидан соқит қилади. Бундай бўлмаганда эди, инсон бу дунёда яшаши мушкул бўларди. Нима учун менинг шеърларим маҳзун. Қутилмаган зарбалар, хиёнатларга дуч келганимда, ҳар қандай вазиятда менинг сирдошим қалам ва қоғоз. Ўша пайтда ранж, озор, мусибатни кўнглимдан оқ қоғоз устига ташлагандай ташлайман ва яна ҳаётда олға қадам босиб кетавераман.

**– Ўзингиз қайси шоирларнинг шеърларини севиб ўқийсиз?**

– Шуни таъкидлаб ўтишим керакки, “Ўзбекистон” ҳақида жуда кўп шоирлар айтди, айтишяпти. Лекин Ҳамид Олимжоннинг:

**Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажиб ҳис бор эди манда.  
Чаппар уриб гуллаган боғин,  
Ўпар эдим Ватан тупроғин.**

сатрлари мени доим илҳомлантиради. Бу буюк ижодкорнинг ижодини яхши кўраман ва севиб ўқийман. Шунингдек, Абдулла Орипов, Сирожиддин Саййид, Ҳалима Худойбердиева, Фарида Афрўз, Иқбол Мирзо каби улкан ижодкорларнинг ҳаммаси халқимизнинг севимли шоирлари деб айта оламан. Уларнинг шеърларида ҳамма излаганларимиз мужассам.

**– Сиз ҳақингизда гап кетса, актриса, шоира, тадбиркор, энг муҳими, аёл, она сифатларини бериш мумкин. Буларнинг ҳаммасини қандай эплaysиз?**

– Мен санъаткор бўлиш учун кўп нарсалардан кечишимга тўғри келди ва албатта, ижодий фаолият билан оилани, бошқа фаолиятимни тенг олиб боришимда менга онам, яқинларим, дўстларим, хаттоки фарзандларимнинг ўзлари ёрдам беришган. Улар бўлмаганда мен бу даража эриша олмас эдим.

**– Самимий сўхбатингиз учун катта раҳмат. Ижодда, оилада, тадбиркорликда, умуман, ҳаётнинг барча жабҳасида доим омадёр бўлаверинг!** ■

Чарос ҲАМИДОВА



## Tarixiy adolatning tiklanishi, ma'naviy qadriyatlar fuqarolik jamiyatining ko'zgusi sifatida

Президентимиз Исыом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий кадриятларни тиклаш, тарихимизни ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш, ноҳақ унутилган тарихий сиймолар хотирасини эъзозлаш, маданиятимиз ва санъатимиз ривожига ҳисса қўшган ижодкорлар фаолиятини ўрганиш, уларнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, тарғиб ва ташвиқ этиш, азиз авлиёларимизнинг қадамжоларини мўътабар зиёратгоҳларга айлантириш, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда, бу ёш авлодни эзгу ғоялар асосида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни хурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатоғон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий- ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майидаги Фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссиясининг қатағон қурбонлари бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларини маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилди. Жамоатчилик комиссиясининг кенг халқ оммаси фикрларига асосланган таклифлари ҳисобга олиниб, Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди.

Ташкилий қўмита Жамоатчилик

комиссияси билан биргаликда Бадий академия, ижодий уюшмалар, нодалат ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий фанлар вакилларини жалб этган ҳолда Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида Мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуасини барпо этиш бўйича кенг жамоатчилик фикрини тўлиқ ўрганди ва танловлар асосида тайёрланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритди; вилоятлар, туман ва шаҳарларда Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш ва бошқа қўшимча тадбирларни кўзда тутувчи дастурларни ишлаб чиқди.

Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси хузурида "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси тузилди. Жамғарманинг асосий вазифалари этиб мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ишини ташкил этиш ва комиссия зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилишига ёрдам бериш; қатағон этилган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлаш мақсадида жамоатчилик комиссияси томонидан мамлакатимиз ҳудудларида тузиладиган илмий ишчи гуруҳлар фаолиятларини қўллаб-қувватлаш; шаҳид бўлган юрtdошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдлик "Қатағон қурбонлари" хотира китобини яратиш ва нашр этишга кўмаклашиш; хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий- маърифий муассасалар, мутахассислар билан алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш ҳамда ватандошларимиз ҳаёти, фаолиятига оид чет эллардаги мавжуд манбаларни излаб топиш ва ўрганиш мақсадида илмий экспедициялар ташкил этиш қабилар белгиланди.

"Шаҳидлар хотираси" хайрия

жамғармаси “Адолат” ва “Маънавият” нашриётларида “Истиклол фидойилари” туркумида мустамлакачилик даври қурбонларининг илмий-ижодий мероси, улар ҳақидаги тадқиқотлар, Ватанимиз озодлиги йилларида жон фидо қилган инсонларнинг ибратли ҳаётидан ҳикоя қилувчи хотиралар, ёдномалар, шунингдек, тарғибий-ташвиқий адабиётлар ва кўргазмаларни воситаларни мунтазам чоп этишни йўлга қўйди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Унутмас мени Ватан” номли махсус ижодий гуруҳ ташкил этди, мустамлакачилик даври қурбонларининг хотирасини абадийлаштиришга оид амалга оширилаётган ишларни мунтазам ёритиб борди.

Халқимизнинг ана шундай минг-минглаб фидойи ва матонатли ўғил-қизлари хотирасини эслаш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси фаоллари, зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари ва мамлакатимизда қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш ҳақидаги таклифи маъқулланди. Қатағон қурбонларини ёд этиш, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бу “олиб борилаётган хайрли ишларнинг мантикий давомидир”, “бутун жамоатчилигимиз томонидан қизғин кутиб олинган воқеа”дир.

Қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили 31 август куни, Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида ўтказилиши белгилаб қўйилди. Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиги кенгаши, “Шаҳидлар хотираси”, “Нуроний” жамғармалари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси ва ижодий уюшмалар ҳар йили “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини” билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирлар дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

2001 йил мамлакатимизда илк бор Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини пухта тайёргарлик кўрилиб, юксак даражада ўтказилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейини ташкил этди, “Шаҳидлар хотираси” ёдгор-




лик мажмуини сайёҳлик йўналишлари рўйхатида киритиш, зиёратгоҳ ҳудудини янада ободонлаштириш ва бу ерда махсус радиолаштириш тизимини жорий қилиш масаласини ҳал этди. Давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини”нинг маъно мазмуни ва тарбиявий аҳамиятини кенг тарғиб қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи фаолиятига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, бу музей нафакат қатағон қурбонлари ҳақида, балки 130 йил мустамлакачилик сиёсатидан азият чеккан халқимиз кечмиши тўғрисида ҳикоя қилиши лозим. 2007 йил 31 август куни давлатимиз раҳбари “Қатағон қурбонлари хотираси” музейига ташрифи чоғида музей фаолиятини қайта кўриб чиқиш, хусусан, унинг биносини кенгайтириш, илмий экспозицияни янгидан шакллантириш бўйича тегишли кўрсатма ва топшириқлар берган эди. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида 2008 йили Президентимиз томонидан махсус қарор қабул қилинди. Қарорга мувофиқ катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, махсус илмий гуруҳ тузилиб, изчил иш олиб борилди. Музей биноси шарқона меъморлик анъаналари асосида кен-

гайтирилди. Чор Россияси томонидан Туркистоннинг босиб олинишидан то мустақиллик давригача бўлган тарихий жараёнларни ўзида акс эттирувчи ўн бўлимдан иборат янги экспозициялар ташкил этилди. Музей экспозициялари орасида мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик, маънавиятимиз, тарихий обидаларимиз, динимизни асраб-авайлаш йўлида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳикоя қилувчи экспонатларга кенг ўрин берилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Тарихий адолатни тикламасдан туриб, адолатли жамият қуриш мумкин эмас. Шу маънода, олимлар, адабиёт ва санъат ахли, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари олдида қўйилаётган хайрли вазифа ҳар биримиздан масалага катта масъулият билан кенг ва атрофлича ёндашишни такозо этади. Истибод даврида қатағон қурбонини бўлган улғу сиймоларни ёд этиш билан бирга худди шундай ноҳақ зулмга гирифторман этилган жафокаш оддий одамларни ҳурмат ва эҳтиром билан ёд олишимиз, руҳларини шод этишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, қолаверса, ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. ■

Баҳром ИРЗАЕВ



Artur Taymazov – erkin kurash bo'yicha uch karra olimpiada chempioni



Rishod Sobirov – dzyu-do bo'yicha bronza medali sovrindori



Soslan Tigiyeu – erkin kurash bo'yicha bronza medali sovrindori



Abbos Atoyev – boks bo'yicha bronza medali sovrindori

# “ФУНУН УЛ-БАЛОҒА” АСАРИДА МУМТОЗ ПОЭТИКА МУАММОЛАРИ- НИНГ ИШЛАНИШИ

Мустақиллик туфайли туркий халқларнинг улуг олими шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг туркий адабиётнинг назарий масалалари тадқиқ этилган «Фунун ул-балоға» асари топилиб, истеъмолга киритилди. Бу асар XV асрда туркийлар адабиёт назарияси илми билан профессионал даражада шуғулланганини кўрсатди ва миллий адабиётшуносликнинг бошланишини ярим асрдан кўпроққа илгари сурди. Ушбу асарни атрофлича ўрганиш туркий адабиётда Лутфий, Алишер Навоий, Бобур сингари адабий гигантларнинг пайдо бўлиши нафақат бадиий-эстетик, балки илмий асосларга ҳам эга эканлигини кўрсатади.

“Фунун ул-балоға” асари адабиётшуносликка доир туркий тилда яратилган энг биринчи илмий тадқиқот бўлиш билан биргаликда мумтоз адабиётнинг барча жиҳатлари бир асар доирасида комплекс тадқиқ қилинган туркий тилдаги илк рисола ҳамдир. Айни рисолада шеърятнинг жанр, кофия, шеърий қисмлар, шеър санъатлари, вазн каби муаммолари бирваракайга текширилган.

Тарозийгача бўлган даврда мумтоз поэтиканинг назарий масалалари текширилган асарларда адабиёт илмининг бирор жиҳатигина тадқиқ этилган. “Фунун ул-балоға” асарида назм илми “ақсом уш-шеър” (жанр, поэтик қисмлар), “кофия ва-р-радиф”, “саноъе уш-шеър”, “авзон уш-шеър” тарзида тўрт қисмга ажратилади. Тарозий ўз давридаги адабиётшунослик илми туркий шеърятга доир ходисаларни етарлича изоҳлай олмаганлигини, туркийда яратилган поэтик асарлар ўзгача эстетик қонуниятлар асосида тушунтирилиши кераклигини англагани учун туркий шеърят қонуниятларини шу тилда изоҳлашга бағишланган асар яратди.

“Фунун ул-балоға” Аллоҳга ҳамд ва жаноби пайғамбаримизга наът билан бошланади. Ундан кейин “сабаби таълиф”, яъни асарнинг ёзилиш сабаби баёнига ўтилади. Гоят гўзал насрда пухта ёзилган мукаддимани муаллиф темурийзода Мирзо Улуғбек Кўрагонга бағишланган мадҳ билан тугатади.

“Фунун ул-балоға” мукаддимадан ташкари шеър қисмлари, кофия ва радиф, шеърий санъатлар, вазн, муаммо санъатига бағишланган беш бобдан иборат. Бу қисмлар “фанн” дейилиб, уларнинг сарлавҳаси араб тилида берилгандир. Асарнинг “муаммо” тадқиқига бағишланган бешинчи қисми бизгача етиб келмаган.

Рисолада муаллиф бадиий адабиётни икки турга ажратади: “...уламо қошида нутқ икки навъдур: наср ва назм. Ониким, истисвоб бобинда мураттаб кўрдилар, “назм”

атадилар. Ва ониким, авроқ високинда паришон топдилар “наср” дедилар...”.

Муаллиф мукаддимада “наср ва назмнинг жамъ қавонд ва ақсомига муштамил” рисола яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганини таъкидлаган бўлсада, китобдаги “фанн”лар фақат шеърят муаммоларига бағишланган. Ёлғиз “Ал-фанн ул-аввал фи-ақсом уш-шеър” бобида “Фасл” ички сарлавҳаси билан берилиб, бадиий компонентлар тадқиқ этилган ўринда насрга тегишли поэтик қисмлар ҳам таърифланган.

Рисолада ҳар бир тилга олинган бадиий ҳодисага мослаб араб, форс ва туркий тиллардаги асарлардан мисоллар келтирилган. Асарда жами 91 манбадан мисол келтирилган бўлса, шулардан 84таси шеър бўлиб, қолгани Куръони карим, Ҳадиси шарифдан олинган. Шунингдек, номаълум “араб донишмандлари” ва “форс оқиллари”нинг насрий ҳамда “араб фасеҳлари” ва “ажам донолари”нинг назмий асарларидан ҳам мисоллар келтирилган. Айни вақтда, муаллифи кўрсатилмаган шеърий парчалар ҳам келтирилган.

84 шоирнинг 15 нафари туркий тилли, 2 нафари зуллисонайн, қолган 67таси форс тилида ёзадиган ижодкорлардир. Асарда мисол тариқасида жами 2238 мисра шеърий, 61 насрий парча келтирилган. Шеърий парчаларнинг 1262 мисраси форс тилида, 908 сатри ҳамда бир мисраси юз жузвли, бошқа мисраси 90 жузвли байт туркийда ва 68 мисра арабча шеърлардан олинган. Асардаги насрий мисолларнинг асосий қисми арабча бўлиб, улар 39 та, форсча насрий парчалар сони 21 та ва 1 насрий мисол туркий тилда битилган.

“Фунун ул-балоға”да Куръони каримдан келтирилган 16 оятнинг ҳаммаси шеърий санъатлар ҳақидаги учинчи фаннда берилган. Худди шу фаннда пайғамбаримизнинг ўн битта ҳадиси мисол сифатида келтирилган. Айнан шу қисмда 413 мисол доирасида 895 мисра назмий ва 57 насрий парча келтирилган. Қўлланилган мисоллар сони ва ҳажмига кўра “Ал-фанн ус-салис фи-с-саноъе уш-шеър”дан кейин шеър қисмлари ҳақидаги илк фанн туради. Бунда 742 мисра, юз жузвли бир, яна тўксон жузвли бир мисра микдоридан жами 115 мисол келтирилган. Ундан кейин аруз ҳақидаги тўртинчи қисмда 385 мисрадан иборат 177 мисол келтирилади. Қофия ва радиф ҳақидаги иккинчи қисмда 230 мисрали 82 мисол берилган.

“Фунун ул-балоға”да муаллиф ўз шеърларидан ҳам мисол сифатида фойдаланади. Тарозий битикларидан келтирган мисоллар микдори 1- қисмда 17 сатр, 2- қисмда 29 қатор, 3-

қисмда 97 мисра, 4- қисмда 148 йўл бўлиб, бутун асар бўйича жами 291 мисрани ташкил этади. Муаллиф асарида ўзининг 3 ғазалини тўлиқ берган. Асарда Рашидиддин Ватвот ижодидан 59, Хожа Камолдан 56, Хожа Салмондан 37, Ганжавийдан 21, Шараф Яздийдан 19 ўринда намуналар берилган. Ушбу ҳолат рисолаани нафақат адабиёт назарияси, балки адабиёт тарихи бўйича ҳам қимматли манбага айлантирган. “Фунун ул-балоға” рисоласида қайси муаллифдан олинганлиги кўрсатилмаган туркий ва форсий тилдаги шеърий парчалар учрайди. Бундай мисоллар, айниқса, тўртинчи фаннда кўп. Бир байтнинг ўзи турли вазнларга мослаб, ўзгартирилиб қўлланилган ўринлар ҳам бор. Чамаси, муаллиф ижод амалиётида ғоят кам қўлланиладиган баҳрларда яратилган шеърни ўзгалар ижодидан қидириб топишдан кўра, ёзиб кўя қолишни осон билган. Қолаверса, бировнинг ижодига ҳурмат юзасидан бошқаларнинг шеърларини илмий фикрига мослашни истамаган. Шундан келиб чиқиб, муаллифи кўрсатилмаган ва вазиятга кўра турли вазнларга солинган бу шеърлар Тарозийнинг ўзига тегишли деб ҳисоблаш мумкин.

“Фунун ул-балоға”нинг биринчи боби “Ал-фанн ул-аввал фи-ақсом уш-шеър” – шеър қисмлари деб аталади. Унда шеър қисмлари ҳамда шеърий жанрлар ҳақида сўз юритилади. “Фунун ул-балоға” ёзилганга қадар араб ва форс тилларида яратилган назарий асарларда шеърий жанрлар маҳсус текширилмаган. Ҳатто, жанрлар, шеър қисмлари балоға илмига тегишли алоҳида ҳодиса саналмай, бадийнинг бошқа жиҳатлари тадқиқи давомида йўл-йўлакай тилга олинган. Бундай ёндашув жанр тадқиқи у ёқда турсин, уларнинг саногидак бир талай чалқашликлар келтириб чиқарган. Шеър қисмларини ўрганиш жанрларни таснифлаш, уларнинг шаклланиши ва тараққиётини аниқлаш, бадий яратикнинг асл баҳосини белгилашда ўта муҳимдир.

“Фунун ул-балоға”да жанрлар саногини “Билгилким, мажмуъ-и шуаро истилоҳинда шеърнинг ақсоми, улким муътабардур, ўн навъ келибтур...”,- деб бошланади. “Қисм” сўзининг кўплиги бўлмиш “ақсом” ҳамда “навъ” сўзларининг қайси бири жанр тушунчасини ифодалашини Тарозий қўллаган атамаларга диққат қилингандагина, белгилаш мумкин: “Бу ўн навъ шеърким...”. Маълумки, “навъ” сўзи тур, хил, кўриниш маъноларини ифодалайди. Шундан келиб чиқилса, шеърнинг “ўн хили, тури” мантиқан жанрга тўғри келади. Зеро, “қисм” бутуннинг бўлагини англатса, “навъ” бутун ҳодиса номидир. Демак, Тарозий жанрни “навъ” деб атаган. Бироқ “Фунун...”да “навъ” сўзи жанр атамасидан ташқари ўзга луғавий маъноларда келган ўринлар ҳам бор.

“Фунун ул-балоға”да қасида, ғазал, қитъа, рубоий, маснавий, таржеъ, мусаммат, мустазод, мутаввал, фард каби ўн та шеър навъи саналади. Асарда жанрлар ўз ҳажми, шоирлар орасидаги мавқеъи, қўлланиш частотаси, мавзуси, мақсадига кўра муайян тартибда жойлаштирилган. Катта ҳажмли қасида билан бошланган жанрлар саногини энг кичик ҳажмдаги “фард” билан якунланади. Жанрлар таснифида шеърнинг ҳажми ва қофия тизимига таянилган. Тарозий ўзига хос турғун ҳажм ва қофия тизимига эга бўлган шеърий асарни мустақил жанр ҳисоблаган. Шунинг учун таърифларга шеърнинг қофия тизими нуктаи назаридан ёндашган: “Қитъа уддурким, аввалги мисраинда қофия бўлмас” ёки “рубоий тўрт мисраъ бўлур... Аввалги ва иккинчи ва тўртинчи мисраъида қофия келтурурлар...

учинчи мисраъи ихтиёрийдур. Агар қофия келтурсалар рубоийи мусарраъ...” бўлади тарзида изоҳ берилган.

Шунингдек, Тарозий шеър жанрини белгилашда унинг ҳажми, бандлар, байтлар, мисралар сонига ҳам асосланади. Айни тарздаги ёндашувга маснавий таърифи мисол бўла олади: “Маснавий икки мисраъ бўлур. Иккаласи муқаффоъ” ёки таржеъ таърифидаги сингари: “Таржеъ ул бўлурким, шеъре айтурлар... ҳар банднинг ози беш байт бўлур ва кўпи тўққуз байт ва ҳар бирининг охирида бир ўзга байтни тақроп қилурлар... Ул байтни таржеъ дерлар”. Аллома бу жанрнинг банд миқдорини минимумдан максимумгача аниқ кўрсатган. “Фунун ул-балоға”да шеър ҳажми ҳам жанр белгиловчи бирликлардан саналган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, “Ал-навъ ут-тосеъ фи-баъни-л-мутатаввил” сарлавҳаси остида тадқиқ этилган мутатаввил жанри қофия тизими ёки ҳажмига кўра эмас, балки бир мисра доирасида қўлланилган жузвлар миқдорига қараб тайин этилади: “...мутатаввил ул бўлурким, ҳеч бир баҳр секкиз жузвдан ортуқ бўлмас. Шоир такаллуф қилиб, бу баҳрларда бирисин ихтиёр этиб, ҳар мисраъни ўн жузв қилурлар. Ё йигирма жузв. Ҳадду ҳудуди юз жузв бўлур”. “Фунун...”да жузвларнинг минимуми 10 жузв миқдорига белгилаб берилгани каби максимуми ҳам катъий тарзда: “...ҳадду ҳудуди юз жузв бўлур. Андин ортик бўлса, лутфи қолмас”,- дея чекланган.

Ушбу фаслда жанр белгиловчи яна бир бирлик келтирилган. Бу шеърий санъат бўлиб, рубоий, аниқроғи, туюқ таърифида берилади: “...рубоийнинг бир навъи таки бўлур. Они мужаннас дерлар. Анингтеқ бўлурким, рубоийнинг қофиясинда тажнис риоят қилурлар... Ва бу турк шоирларининг ихтиройдур. Муни турклар туюқ дерлар”. Ушбу таърифда туркий тилли ижодкорлар бадий салоҳияти бегона қолиплар асосидаги адабиётни тараққий эттирибгина қолмай, бу борада поэтик кашфиётлар яратишга ҳам кодирлиги акс этади. Шундай гўзал шеърий жанрнинг ажодларимиз ихтироси экани кўнглимизга ўзгача фахр туйғусини бағишлайди. “Фунун ул-балоға”да шу вақтгача шеърий жанр унинг ҳажми ва қофия тизимига асосан белгиланган бўлса, эндиликда “турк шоирларининг ихтирои” туюқ жанрини тайин этувчи бадий унсурлар сафига шеърий санъатлар ҳам қўшилгани кўринади.

“Фунун ул-балоға”да шеърнинг мазмун ва мавзу кўринишлари ҳам ўрганилган: “Бу ўн навъ шеърким, зикр қилдук, ҳар қойсида агар Тенгри аzza ва жаллаға ҳамд айтсалар, они тавҳид дерлар. Ва агар Муҳаммад Мустафо алайҳис-салот вас-саломни васф қилсалар, наът дерлар... Агар Тенгри ҳазратинда тазарруъ қилсалар, муножот ўқурлар. Ва хулофойи рошидинни таъриф қилсалар, манокиб ва манқабат дерлар. Агар салотин ё умаро ё вузарони ўтсалар, мадх ва мадҳат ва тамаддух ўқурлар. Ва агар ўлган кишини зикр қилсалар, марсия дерлар. Агар кимарсани нафрин қилсалар, ҳажв ва мазаммат дерлар. Ва агар ҳазл қилсалар, мутойиба дерлар”.

Олим ўзига хос ҳажм, қофия тизими, вазн ўлчамларига эга бўлмаган, фақат мақсади, сабаби, мавзусига кўра фарқланадиган бу каби ҳодисаларни жанр эмас, балки шеър кўриниши сифатида баҳолаган. Асарда ушбу поэтик кўринишларнинг “ўн навъ шеърким, зикр қилдук, ҳар қойсида... айтса бўлур” тарзида таърифланиши бутунги кунда жанр мақомига эга айрим бадий ҳодисалар аслида мустақил жанр эмас, шеърнинг ғоявий-мавзувий шакли экан

деган фикр уйғотади.

“Фунун ул-балоға” асарида поэтик қисмлар ҳам туркий тилда илк бор тадқиқ этилган. Тарозий аввал насрий ҳамда назмий нутқ ва дoston организмга тегишли компонентларга таъриф беради: “Нуханинг ибтидосин, агар наср бўлсун ё назм, фотиҳа ўқурлар. Ва интиҳосин хотима. Ва аввалиндин оғози дostonғача дебеча дерларким, ул тавхид ва муножот ва наът ва манокиб ва мадх ва сабаби таълиф бўлғай”.

Шундан кейин фақат шеър қисмлари таърифиға ўтилиб, шеър, байт, мисра тартибида таърифланади: “Ва шеърнинг ибтидоси матлаъ ва охирин мактаъ дерлар. Ва байтнинг аввалги жузвин садр ўқурлар ва охир жузвин ажз ва зарб. Ва қофия ва мисранинг ўртасин ҳашв дерлар. Ва аввалги мисраънинг охирин аруз дерлар. Ва сўнгги мисраънинг аввалин ибтидо”. Маълумки, шеърый асарнинг вазни байт доирасида белгиланади. Бироқ бунда айнан байтнинг биринчи мисраси битилган вазн бутун асар вазнига асос бўлиб, шеър худди шу вазнда ёзилиши тақозо этилади. Янада аниқроғи, биринчи мисранинг сўнгги жузви вазннинг солим ёки мақсур эканини белгилайди. Шу тарзда қолган мисралар, байтлар давом этаверади.

“Фунун”нинг “Ал-фанн ул-аввал фи-ақсом уш-шеър” деб аталган бобида ўттиз уч адабий атамага илмий изоҳ берилади. Асардаги “ақсом иш-шеър” ҳақида билдирилган фикрлар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Тарозий шеър қисмларининг муайян тизим ва қонуниятга амал қилган ҳолда қурилиши ижодқорнинг истеъдод кўлами ва поэтик тайёргарлик миқёсини билдирадиган кўрсаткичлигини исботлаб, туркий шеърятнинг мукамаллик даражаси ошувига улкан ҳисса қўшди.

Тарозийнинг қофияга ёндошуви ҳам алоҳида эътиборга молик. У шеърдаги энг асосий унсур қофия деб билади: “...таъбнинг натижаси шеърдур. Ва шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас. Магар бир тарика шеър бўлурким, они харора дерлар, анда қофия бўлмас. Ва зурафо байтни хаймаға нисбат қилибтурлар ва қофияни стунға. Яъни стун била барпойдур...”. Тарозий қофия хусусида салафларнинг ихтилофи фикрларини бериб, ундан кейин ўз қарашини баён этади: “...Ва қофия фанида уламо кўп ихтилоф қилибтурлар. Ва баъзи ҳарфи равийни ялғуз ва баъзи сўнгги мисрани тамом қофия санарлар ва баъзи байтнинг охир жузвин, нетокким баҳри тавилдан “мафоил”ни ва ражаздин “мустафьилун”ни ва рамалдин “фоилотун”ни”. Ушбу қарашлар Тарозий қофиянинг шакли, ўрни, частотаси сингари жиҳатларни ҳисобга олганини кўрсатади.

Тарозий қофия табиатини тўла ифодалайдиган энг тугал таъриф беради. “Фунун...”да қофия шаклий жиҳатига кўра уч турга бўлинади: “Ажам уламсининг қошинда қофия уч навъ бўлур. Аслий ва маъмули, шойгон”. Бу кўринишлар қофия бутун сўзга тенг келган ҳолларга тегишлидир. Бунда тасниф қофия-сўзнинг сифати, яъни ўзак ё ясамалиги, равийнинг тегишлилиги ҳамда кўшимча ҳарфларига кўра амалга оширилган.

“Фунун ул-балоға” асарида қофия компонентлари, яъни ҳарфлар ҳам тадқиқ этилади. Тарозий ҳарфларнинг қофияда тутган ўрни, мақомини белгилаб, равийнинг юқори рутбага эгаллигини алоҳида таъкидлайди. Бундан қофия учун равийнинг мавжудлиги кифоя қилиши англашилади. Қофия равийдан бошқа ҳарфларга боғлиқ эмас.

“Фунун...”да радиф соф ажам ҳодисаси сифатида талкин

қилинган. Бу эса араб қолиплари асосида пайдо бўлган шеърятнинг ажамда нақадар тараққий этиб, янгилеклар яратилганини кўрсатади. Тарозий радифнинг шеърдаги ўрни ҳақида: “Ва радиф агарчи шеърда лозим эрмас, вале андин шеърга оройиши тамом хосилдур”,- дейди.

Тарозий вазн назмни насрдан фарқловчи муҳим унсур ҳисоблайди. Маълумки, “Мезон ул-авзон” асарида баҳрлар ўн тўққизта, “Мухтасар”да йигирма битта дейилади. Ушбу асарларда шу баҳр турлари араблар қўллайдиган баҳрлар, араб ва ажам қўлловчи баҳрлар ҳамда ажам ихтироси бўлган баҳрларга ажратиб тадқиқ қилинади. Бошқа назарий асарлардан фарқли тарзда “Фунун ул-балоға”да қирқта баҳр тадқиқ этилган. Улардан 18таси анъанавий баҳрлар, қолгани шоирлар ихтироси экани айтилган.

“Фунун...”да шеър вазнини тайин этиш ва вазн ажратишда сўзнинг ёзилиш шаклидан кўра айтилиши, талаффузи муҳимроқлиги таъкидланган. Зеро, аруз вазнини яратишда ёзилган ҳарфдан кўра айтилган товуш кўпроқ аҳамиятга эга бўлади. “Илмнинг муҳими тактеъ билмактур ва тактеъ улдурким, байтни жузв-жузв ва тақсим этиб, хар жузвини ўз муқобиласидаги рукн бирла ҳаракат саканотин мувофик қилмактур ва мунда эътибор лафзгадур, китобатка эрмас”.

“Фунун ул-балоға”да шеърый санъатлар тадқиқига бағишланган фанн “Ал-фанн ус-солис фи-с-саноиъ уш-шеър” деб аталади. “Фунун ул-балоға”да етмиш бешта мустақил шеърый санъат саналади. Уларнинг айримлари бир неча кўриниш ва турга эга ҳолда берилади. Ўшалар билан қўшиб ҳисобланганда, асарда жами тўқсон етти шеърый санъат тадқиқ этилган.

Тарозий санъатларга илмий изоҳ берар экан, уларнинг қандай мақсадда қўлланилиб, шеърда қандай бадий функция бажаришини аниқ кўрсатади. “Фунун ул-балоға”да шеърый санъатларга мисол сифатида олдин араб, кейин форс, ундан кейин туркий тилдаги шеърый парчалар берилади. Гарчи, Аҳмад Тарозий бирор шеърый санъатни фақат туркий шеърят учун махсус эканини таъкидламасада, бу санъатларнинг туркий шеърятдаги ўрнини атрофлича асослайди.

“Фунун ул-балоға”да етмиш бешта шеърый санъат илк бор туркий тилда таҳлил қилинади. Ҳозиргача бизга маълум рисолаларга солиштирилганда Тарозий йигирма уч шеърый санъатни илми бадеъ тадқиқот доирасига биринчи бўлиб киритгани кўринади.

“Фунун ул-балоға”да туркий ёзма адабиётга доир қонуниятлар она тилида тадқиқ этилган. Рисолада илмий аппарат қисми, айрим анъанавий арабий ва форсий атамаларни ҳисобга олмаганда, барча илмий қараш, таҳлил ва изоҳлар соф туркий тилда баён этилган. Иллюстратив материал бўлмиш шеърый мисоллар ўрни билан ва заруратга қараб араб, форс ва турк тилларида берилган.

Рисолада соф бадий наср учрамаса-да, унинг муқаддимаси илмий тилда ёзилганига қарамай, туркий насрнинг гўзал намунаси сифатида Тарозийнинг нафақат улкан олим ва истеъдодли шоир, балки етук носир ҳам бўлганлигини кўрсатади. Шу боис асар XV асрнинг биринчи ярмидаги туркий насрнинг ўзига хос намунаси сифатида ҳам эстетик қийматга эгадир. ■

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

# ORQAGA QARAYVERMANG...

Bolalik do'stim, qaytmas yillarimning qadrdon sirdoshi Oltiboy, yodingdami? Bir kuni toqqa ovga chiqdik. Sen qirag'ay mergan eding, bir alqorni quvib, uning bilan izma-iz chuqur daraga tushib qolganimizni sezmadim. Daraning bizga betma-bet tarafi zov — tubsiz jarlik ekan. Alqor ko'z oldimizda qaygadir yo'qoldi, odatda ularning ovchi bilmaydigan sirli yo'llari bo'ladi... Bizning tushib kelgan qoyalar tarafga qaytishimizdan o'zga choramiz qolmadi, qaytishga taraddudlandik. Men beixtiyor burilib orqamga - zovga qaray boshladim. Shunda sen yuragimni yorgudek baqirding: «Orqangga qarama, qarayverma, deyaqman, qarayversang boshing aylanib, jarga tushib ketasan. Huv, cho'qqiga qara - o'shani ko'zla, o'shaning yonidan o'tamiz!..»

Do'stim, yodingdami? Men aslo unutilmayman. Axir, qanday unutay?! Sening o'sha so'zlaringni, har qalay so'zma-so'z bo'lmasa-da, shoir do'stlaringga tez-tez takrorlab turishni sevaman: - Shoir do'stlarim! Orqangizga qarayvermang, tubsiz jarlik bor - boshingiz aylanib tushib ketishingiz hech gap emas, oldingizga qarang, huv cho'qqiga qarang, o'shani ko'zlang. O'shandan oshib o'tishimiz kerak!



Azim SUYUN  
 ("Nevaralarim uchun hikoyalar" turkumidan)



Поляк халқининг машхур композитори, қолаверса, мусиқа санъатининг дунё тан олган даҳоларидан бири Фридерик Шопен 1810 йилнинг 22 февралда Варшава яқинидаги Желязова Воля қўрғонида дунёга келди. Унинг отаси Николай Шопен асли француз миллатига мансуб бўлиб, 1787 йилда Варшавага кўчиб келиб, аввал ҳисобчи бўлиб ишлайди, сўнгра эса узоқ йиллар давомида болалар муаллими сифатида фаолият юритади. Онаси Юстина Кжижановская француз тилини яхши билар, шу билан бирга, роялда куй чалиб, кўшиқ куйларди.

## Шопен уюққан shu'la

Ёш Фридерикнинг мусиқага бўлган кизиқиши жуда эрта намоён бўлди. Унинг илк устози Живийнинг ёши 70 дан ошган бўлса-да, қувноқ, хушфёъл ва ҳазил-мутойибага мойил инсон эди. У салонларда кўнгилхушлик учун ижро этиладиган шунчаки мусиқа намуналари асосида эмас, балки юқори савиядаги мусиқий асарлар, жумладан, Моцарт, Бетховен мусиқий мероси ҳамда ўша пайтларда ҳали тўла танилиб улгурмаган Бах асарлари руҳида тарбия топганди. Табиийки, шогирдларини ҳам айна тамойилда тарбиялар эди. Кўп ўтмай Радзивиллов саройида 8 яшар Фридерикнинг биринчи концерти намоён этилди. Кичкинтой истеъдоднинг ушбу концертдаги ижроси кўпчиликда ҳайрат уйғотди. Болалигига бориб, ҳаммининг эътибори байрам костюмига қаратилди, деб ўйлаган Фридерик тингловчиларга энг кўп қайси жиҳати манзур бўлгани ҳақидаги онасининг саволига: “Костюмининг ёқаси. Биласизми, ойи, ҳамма унга тикилиб қолди” — дея жавоб беради.

Шундан сўнг ёш Шопеннинг довуғи бутун Варшава бўйлаб тарқалади. Болакай аста-секин кибор жамоа ҳузурда ўз маҳоратини намоён этаркан, газеталар унинг муваффақиятлари ҳақида илиқ фикрлар билдира бошлади. Ҳали ёш бўлишига қарамай, бир қатор маршлар, полонезлар, вальслар, галоп ва кўшиқ оҳанглирига вариациялар ёзиши унинг юксак истеъдод соҳиб эканлигидан далolat беради.

1826 йилнинг баҳорида Фридерик мусиқа мактабига ўқишга кириб, профессор Юзеф Эльснер раҳбарлигида композиция бўйича билимини ошира боради. Бир сўз билан айтганда, Эльснер Фридерикка мусиқа оламида ўз йўли ва услубини топиб олишда жуда катта кўмак берди. Устоз ҳужжатлари орасида шогирди Шопен ҳақида куйидаги қайдни ёзиб қолдиради: “Ажойиб қобилият эгаси. Мусиқа даҳоси”.

Шопен Варшава консерваториясини муваффақиятли битиргач, устозининг маслаҳати билан ўз даврининг йирик мусиқа маркази – Вена шаҳрига сафарга чиқади.

1829 йилнинг 11 августида Вена опера театрида ёш Фридерик томонидан намоён этилган мусиқий асарлар кўпчилигининг олқишига сазовор бўлади. Айтиш мумкинки, бу концерт Шопен учун жуда катта ютуқ бўлди.

1830 йилнинг март ойида ўз ватани Варшавада бирин-

кетин намоён этилган икки концерт ҳам буюк санъаткор этишиб келаётганидан дарак берар эди.

Отаси ва устозининг талаби билан ёш композитор, дастлаб, Венага, сўнгра Парижга йўл олади. Шопен Парижга келиб, Пуассеньер хиёбонидаги беш қаватли уйнинг кичик бир хонасига жойлашади. Парижда у Лист, Тольберг, Гиллер, Герц каби машхур санъаткорлар билан танишади. Унинг Париждаги илк оммавий вокал-чолғу концерти 1832 йилнинг 26 февралда Плейеля залида намоён этилган.

1836 йили графиня Мари д’Агунинг киборлар учун уюштирган базмида Шопен ҳаётида унутилмас воқеа рўй беради. Бу пайтда 26 ёшли истеъдодли композиторни бутун Париж таниб улгурган эди. Базмда ўзининг бир қатор этюдларини ижро этган бастакор Парижда маълум ва машхур ёзувчи Жорж Санд хоним билан танишади. Бу учрашувга қадар Жорж Санд омадсиз никоҳ сабаб эридан ажралиб, қизи Соланж ва ўғли Морислар билан яшамоқда эди. Бу учрашувдан ниҳоятда каттиқ таъсирланган Жорж Санд хоним ёш композиторнинг юксак истеъдодига асир бўлиб қолганди. Ниҳоят, орадан ярим йил ўтиб, улар оила қуришади. Бири буюк композитор, иккинчиси таниқли ёзувчи бўлгани сабабдир, бу икки жуфтнинг табиати бир-биридан тубдан фарқ қиларди. Шопен тортинчок, тезда бир қарорга кела олмас, Жорж Санд хоним эса ўзига бино кўйган, кўпинча эркаклар костюмида юришни ёқтирарди. Фақатгина Фридерик иштирок этадиган базм ва давраларда аёллар либосида юришга интиларди. Ёш композиторнинг хатти-ҳаракатларидаги эскича қарашлар Жорж Санд хонимга ёқмасди. Боз устига Шопеннинг баъзан ҳаддан зиёд инжикликлари ҳам рафикасини сабр-бардошли бўлишга ундарди. Қолаверса, таниқли композиторнинг соғлиғи ҳам унча яхши эмас эди, яъни уни болалик чоғида орттирган ўпка шамоллаши доим безовта қиларди. Бирок шунга қарамай, бу икки севишганлар бахтиёр эди...

Маёрка оролининг хушманзара ва оромбахш гўшалари Шопен учун фойдали деган умидда бутун оила 1838 йили Испанияга сафар қилишади. Не ажабки, тинимсиз ёққан ёмғир ва жала зайиф композиторнинг соғлиғига аке таъсир кўрсатади. Жорж Санд хоним касалнинг ёнидан жилмай, туну кун у билан бирга бўлиб, доривор қайнатма ва суюқ дорилар тайёрларди. Шопеннинг тузалмас ва нозик



касаликка йўлиққанидан хавотирга тушган хонадон эгаси севишганлардан тезда бошқа жой топиб, хонани бўшатишларини сўрайди...

Начора, 1839 йилнинг феврал ойида Шопенлар оиласи Францияга қайтиб, Жорж Сандга қарашли кўрғонда яшади. Фридерикнинг соғлиги аста-секин тиклана боради. Бироқ Испания саёхати чоғида Шопен ва Жорж Санд хоним ўртасидаги муносабатларга анча дарз кетган эди. Ва ниҳоят, улар саккиз йил бирга ҳаёт кечиришганига карамай 1847 йилда ажралишади.

Бу жудаликдан сўнг халқнинг чексиз ҳурмати ва севгисига сазовор композитор бутун куч-ғайратини ижодга бағишлайди. Соғлиги кун сайин ёмонлашиб бораётганига карамай, у Жорж Санд хонимдан бир неча бор мактуб олган эса-да, бирор марта жавоб қайтармайди.

Хуллас, 1849 йилнинг октябр ойида машхур композитор 39 ёшида оламдан кўз юмди. У ўлими олдида севгилиси Жорж Санд хонимни кўзда тутиб, “Унинг оғушида ўлмоқчи эдим” деган армонли сўзларни айтади.

Келажак авлодларга кўплаб нодир муסיкий асарлар мерос қолдирган бастакорнинг жасади гарчи Париждаги Пьер-Лашез кабристонига қўйилса-да, кейинчалик унинг васиятига кўра юраги Варшавага олиб кетилади. Шопеннинг юраги бугунги кунда Варшавадаги Авлиё Хоч ибодатхонасининг деворига қўйилган. ■

*Шермурод СУБҲОН тайёрлади.*

# Hayot gullari

Гунча очилгунча ўтган фурсатни  
Капалак умрига қиёс этгулик.  
Гохида бир нафас олгулик муддат  
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

Ҳа, ўйлаб қарасак, боғу роғларда, чаману хиёбонларда кўзимизни қувнатиб яшнаётган гулу гунчаларнинг бир неча мавсумлик ҳаёти инсон умрига, бизнинг кечмишларимизга ўхшаб кетади. Гулларнинг яшнаб, униб-ўсиши, парвариши атроф-муҳитга боғлиқ бўлгани каби бизнинг ҳаётимиз мазмуни ҳам яқин инсонларимиз ва уларнинг меҳр-муҳаббатлари билан маъноли.

Яна бир гап. Ҳеч эътибор берганмисиз, аини мана шу табиат тухфалари – гуллар бутун ҳаётимиз давомида, яхши-ёмон қунларимизда бизга доимо ҳамроҳ бўлади.

Чақалоқ дунёга келди — Сиз туғилдингиз. Отангиз қалбида бир олам қувонч билан сизни, дилбандини кўриш, онангизга миннатдорчилик бирдириш мақсадида туғруқхонага гулдаста билан ташриф буюрди. Сиз илк бор гуллар билан кўришдингиз.

Етти йил ўтиб мактабга қадам қўйдингиз. Устозингизга ўз қўлларингиз билан гулдаста тайёрлаб тухфа этдингиз. Гуллар билан илк бор кимгадир қайфият бахш этдингиз.

Орадан йиллар ўтди, мактабни тамомладингиз. Ука-сингилларингиз – кичик синф ўқувчилари оқ йўл, ойдин ҳаёт тилаб, гуллар совға қилишди. Сиз гуллар билан қутландингиз. Улар нурли келажакка ишонч тимсоли эди.

Навбатдаги яна бир бахтли кун. Илк бор талаба сифатида стипендия олдингиз. Гулу ширинликлар олиб, уйга қалбингизда ғурур билан кириб бордингиз. Отангизнинг севинчини, онангизнинг қувонч ёшларини кўриб, янада бахтга тўлдингиз. Гуллар нимагадир қодирлигингиз исботи эди.

Бир куни... бир куни сиз севиб қолдингиз. Севган инсонингизга қипқизил атиргуллар тақдим этиб, кўнглингизни очдингиз. Илк бор гуллар сиз ва севган инсонингиз қалбини муҳаббатга тўлдирди. Бу гал эса у ишқ элчисига айланди.

Сиз анча улғайиб янги турмушга қадам қўйдингиз. Тўйингиз куни сиз ва келинни яқинлар, дўсту биродарлар гуллар билан қутлаб, бахтли ҳаёт тилашди. Бу куни ҳам гуллар қалбингизга яқин туриб самимият улашди.

Йиллар бир-бирини қувлашиб ўтаверди. Сиз бирин-кетин дипломларингизни, кейинроқ номзодлик ишингизни ҳам муваффақият билан ҳимоя қилдингиз. Ҳозир эса фан докторисиз. Бу поғоналарда гуллар доим ёнингизда бўлди.

Орадан узоқ йиллар ўтди. Буни қарангки, турмуш курганингизга қирқ йил бўлибди. Сизни ва чин маънода юрагингизнинг ярмига айланган, бахтли ва бахтсиз қунларни бирга қаршилаган умр йўлдошингизни гуллар билан қутлаб, сихат-саломатлик тилашди. Гуллар оғушида энди сиз дуога қўл очдингиз. Бугун у соғлиқ рамзига айланди.


Кўкламнинг илк қунлари. Гузардан қайтаётиб йўл четида сотилаётган бойчечакларга кўзингиз тушди. Иштиёқ билан улардан олиб уйга, киш бўйи соғлиғидан нолиб чиққан аёлингиз ёнига ошиқдингиз. Унга таскин, сизга шукрона улашди гуллар...

Энди гуллар Сизнинг ҳар кунингизни, ҳар дамингизни, ҳар лаҳзагизни безайди. Сиз бунга лойиқсиз. Гуллар мудом ҳаётингизни безасин... ■

*Гулюз СИДДИҚОВА*

# ОКСФОРД ҚОҶНАСИДАГИ

## ҚОТИЛЛИК



*Фридеи Каринти  
(венеер ёзувчиси)*

*Харбий полициянинг собиқ бошлиғи  
жаноб Шерлок Холмсга.  
19.. й. июль. Эдинбург*

Шундай қилиб, азизим, жаноб полковник, Гага келишуви имзоланди. Европа халқлари бир-бирларининг кучокларига отилишиб, ўзаро қутловларга берилиб кетишди. Газеталар жазовага тушиб тинчлик ва озодликни улуғлай бошлашди. “Англиялик Шарлотта Корде” деб ҳисобланувчи Жейн Гордон ўнлик мажлисида тантанали равишда оқланди. Ушбу воқеалар сабаб, унга интилган омма каретага кўшиладиган от ўрнини босди ва у эсон-омон Парижга етиб олди. Сиз эса, азиз дўстим, Оксфорддаги қотиллик юзасидан олиб борилган тергов муваффақиятсиз яқунлангач, кўнгилли равишда қувғинликни бўйингизга олдингиз. Оқибатда, эзгин фикрларга кўмилган ҳолда тақдир тақазоси деб, Эдинбургда зерикарли хаёт кечирмокдасиз.

Сиз, хойнаҳой, ҳали ҳам қотилликнинг тўртинчи куни — жиноят излари ахтарилаётган, англиялик Шарлотта Корде, яъни Жейн Гордон чуқур мотамда бўлган бир пайтда жинойи ишларга бир умр аралашмаган мен каби тажрибасиз бир аёлнинг Сизни қаср даҳлизда тутиб олиб: “Қотил — ҳалок бўлган вазирнинг хотини, менинг энг яқин дугонам — Жейн Гордоннинг ўзи”, деб айтганимга ишонмаётган бўлсангиз керак.

Агар тушунаётган бўлсангиз — менимча, бунга ишончингиз комил — Жейн Гордон Европанинг нажоткори. У ўзининг юрак ютиб қилган ушбу қилмиши билан урушни тўхтатди. Ахир, нима қилибди, фидоий бир серб талабаси бошлаган шундай катта урушни бошқа бир фидоий тўхтатса ва бу режаларидан ўз дугонасини — мени хабардор қилса. Мен эса ўзим англамаган ҳолда қахрамоннинг ҳамроҳи бўлсам.

Мен сиёсатни тушунмайман. Бирок тарихда оммани

лақиллатишга асосланган сиёсатдан нафратланиб, фақат шафқатсиз қонунларнинггина самарадорлигини тан олувчи сиёсатдонларни улуғловчилар устидан ҳам, жаҳонни ҳалокатдан Роберт Блекпотнинг ўлими куткарди, дегувчилар устидан ҳам қулмоқчи эмасман.

Ахир, уруш бошланишига икки кишининг ўлдирилиши сабаб бўлган бўлса, учинчи кишининг ўлдирилиши ушбу урушга барҳам бериши ҳам мумкин-ку! Нима бўлганда ҳам озодликни куйловчи кўшиқчилар “Зўравон” деб тилга олувчи жаноб Роберт ўша учинчи одам эди.

Барчага маълумки, бизнинг ўша учинчи одам тириклик пайтида тинчликка йўналтирилган ҳар қандай ҳаракатлар, шу жумладан, расмий музокаралар ҳам унинг қаршилигига учраб, барбод бўлар эди. Ҳарқалай аҳвол расман шундай эди. Агар у ўлмаганда бу ғалаёнлар кўтарилмас ва катта бир бало бўлиб бутун қитъага ёйилмас, Европа кўрқинчли тушдан уйғониб кетган каби бир силкиниб тушмас, охир-оқибатда тинчлик ва озодлик партияси ҳокимият тепасига келмас эди. Нима бўлганда ҳам, мен шундай бўлганидан хурсандман. Зўравонлик устидан яхшилик ва ҳаққонийлик ғоялари устун келмасдан иложи йўқлиги, қайнаб, кўпириб келаётган норозиликлар бир кун келиб юзага чиқиши шарт эканлиги, эзилган халқнинг сабр косаси тўлиб, бир кунмас-бир кун дунёни ларзага солиши муқаррар эканлиги тўғрисидаги омманинг эътирозларига қулоқ тутаман. Ёмғирдан кейин пайдо бўладиган кўзикаринлар каби ҳар куни янги очилаётган газеталардаги шу ҳақдаги мақолаларни ўқийман.

Ҳа, мен буларнинг ҳаммасини ўқийман, қузатаман. Уларга қарши чикмайман ҳам. Бирок мен сизнинг олдингизда мунофиқлик қила олмайман. Сизнинг ҳам ҳеч бўлмаса мен каби тинчланиб, совуққонлик ва нафрат билан кинояли қулиб қўйишингизни истайман, холос. Газеталар бор овозда бонг ураётган бу вазият ҳақида унинг сабабчиси — дугонам, Роберт Блекпотнинг хотини ва қотили ҳозир Парижда ўтириб олиб қандай мулоҳаза юритаётган экан?

Орадан икки ҳафта ўтиб, революция ғалаба қилди. Энди қотилни жазолаш учун эмас, балки тақдирлаш учун қидиришаётган бир пайтда менинг мафтункор дугонам — бизнинг англиялик Шарлотта Корде нима учун ўз қилмишини эслаб қолди. Нима учун Сизнинг ёнингизга келиб, “Қотилни қидирманг, анархист Беннетни озод қилинг. Роберт Блекпотни мен ўлдирдим!” деди. Бу ҳолат Сиз учун ҳам, бошқалар учун ҳам жуда қизиқ эмасми!?

Воқеаларни олдиндан баён қилишга киришиб кетдим, жаноб полковник. Ёзганларимдан ларзага келиб, менинг фикрларимни бўлиб қўйманг. Йўқ-йўқ, жаноб изкувар, мен Жейн Гордон миллий қахрамон бўлиш учун ёки шов-шув учун шу ишга қўл урди демоқчи эмасман. Бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ҳайратда қолдиришлар, шов-шувлар мафтункор

дугонамнинг жону дили. Бирок ўзингиз сезиб турганингиздек, у бошқа турдаги сенсацияларни ёктиради.

Мен у ўзини ҳам, бошқаларни ҳам алдаш ниятида, демоқчи эмасман. Чунки ўшанда қилмишларига иқдор бўлганидан сўнг, қотиллик қандай содир бўлганини ишонч билан аниқ қилиб тасвирлаб берган эди: у ҳеч ким сезмайдиган қилиб балкон панжарасининг ташки лўкидонини суриб қўйган ва панжарани зич ёпган. Кечаси эрининг ўз оdatига кўра балқонга чиқишини кутган. Сездирмай орқасидан бориб, унга яқинлашган, буни сезиб, қайрилаётган қарияни енгилгина итариб юбориб, ушлаб қолмоқчи бўлгандек ҳаракат қилган. Кейин орқасига қайтиб полиция ташқаридан кимдир кирган деб тахмин қилиши учун эрининг уйдаги ишхонаси қулфини бузиб қўйган. Ҳа, қотил Роберт Блекпотга узоқ йиллар давомида кутку солиб келган анархистлар ҳам эмас, таҳдид тўла хатларга кўмиб ташлаган “қора кўл” эгаси ҳам эмас, ҳамма далиллар унга қарши бўлгани сабабли тергов олиб бориш учун Сиз икки ҳафта давомида камоқда ушлаб турган бечора Беннет ҳам эмас... Дунё анархистлар ва социалистларга, эзилган омманинг ҳаққоний ғазабига ҳамда озодлик учун курашиб, қасос ўтида ёнган ҳақ-ҳуқуқсиз Ирландиянинг терговсиз, судсиз қатл этилган фарзандларига тўлиб кетса ҳам, Кезментнинг нотинч руҳи ирландлар юрагига сингиб борса ҳам, қонли урушда айбсиз ҳалок бўлганлар руҳи қасосга чорласа ҳам, барибир, Роберт Блекпот тирик қолган бўлар, халқ унинг йирткич панжалари остида ҳалигача азобланаётган бўлар эди.

Эзилган халқнинг қасос ўти бу одамга қор қилмас эди — бунга мисол тариқасида Калдаги қотилликни эслаб кўринг. Ўшанда бечора француз солдати ожизона қаҳрини ишга солиб, пистолетини у томонга буриб, ушбу аниқ ва лўнда ҳаракати учун бериладиган жазодан қутулиш мақсадида ўзини-ўзи отиб қўйган эди.

Йўқ-йўқ, Роберт Блекпотни унинг хотини Жейн Гордон ўлдирди. Бу ақлга сиғмайдиган иш деб айтган гапларингиз учун уялишингизга ҳожат йўқ. Сиз ўшанда ҳолис фикр юритдингиз. Бундай золим одамни фақат ундан қаттиқ нафратланадиган одам — бирор анархист ёки социалист ўлдирishi мумкин, деб ўйладингиз. Чунки ўша пайтда Вазирнинг хотини — гўзаллиги ва башанглиги сабаб турли маросимлар кироличаси ҳисобланган, риёкорона саховати билан турли миш-мишларга кўмилиб юришга ўрганган мана шу Жейн Гордонимиз социалист ёки анархист бўлиб чиқишини, революциянинг ғалабасидан сўнг ғурур билан “Ҳа, эримни мен ўлдирдим, чунки у Ватанимнинг ва халқимнинг душмани эди. Мен эса биринчи навбатда ватанпарварман. Агар Ватаним талаб қилса, унинг жафоқашиман ва фақат шундан сўнггина эримнинг хотиниман!” деб айтишини ҳеч ким тахмин қила олмас эди.

Ким ўйлабди дейсиз? Сиз ҳақсиз, бечора изқувар дўстим. Ким ҳам ўйлабди! Мен ниҳоят Сизнинг ҳам тинчланишингизни, ўзингиздан миннатдор бўлишингизни истайман. Сиз ўшанда тўғри фикр юритган эдингиз. Жейн Гордон — англиялик Шарлотта Корде ҳеч қачон анархист ҳам, ватанпарвар ҳам бўлмаган, агар шундай бўлганида, мен аминманки, қотиллик амалга ошмаган бўлар эди.

Бирок Жейн Гордон — англиялик Шарлотта Корде садақатли хотин эмас. Асло бундай эмас. У оддий бир хотин, табиий, оддий, аёл зоти қандай яралган бўлса,

шундай аёл.

Азизим, менга кулоқ солинг. Ёзганларимни сизнинг синчковлигингизни суистеъмол қилувчи тутуриксиз, беҳаё латифаларга тўла бир хат деб ғазабга тушманг ва ташлаб юборманг. Сиз умрингизнинг охиригача ҳозир ўқийдиганларингизга ишонмайсиз ва мени тушунмайсиз. Мен эса сиёсат ва ҳуқуқда ҳеч бир нарсани тушунмасам-да, ўша пайтда бир неча сониялардаёқ бу нарсаларни тахмин қилган эдим.

Шундай қилиб, ҳаммасини қисқа ва аниқ ҳикоя қилишга ҳаракат қиламан. Қотилликдан беш кун аввал узоқ бир қариндошим вафот этгани муносабати билан ўзимга мотам шляпаси буюртма бериш мақсадида Дэзи хонимнинг салонига кирдим. Биз узоқ вақт фасон танладик ва Дези хоним уч кундан сўнг шляпам тайёр бўлишини айтди. Қариндошимнинг ҳам дафн маросими уч кундан сўнг бўлиб ўтиши лозим эди.

Учинчи куни салонга келганимда Дэзи хоним дугонам Жейн Гордон ҳам салонга келганини бироз кулгуга олиб гапириб берди. Ўшанда Жейннинг кўзи менинг мотам шляпамга тушган, шляпанинг чиндан ҳам хушбичим ва ўзига хос чиққанини кўриб, ҳасаддан ёрилай деган, хатто ранги оқариб кетган. Ва шу заҳоти уни кийиб кўрган. Шляпа унга жуда ярашган. Салондаги ҳамма хонимлар бу ярашқандан завқланишиб, қойил қолишган. Уни ўраб олиб мактовларга кўмиб ташлашган. Дэзи хоним ҳам унга бу шляпада тасвирлаб бўлмайдиган даражада гўзал ва мафтункор бўлиб кетганини айтган. Жейн хоним мактовлардан кизарган ҳолда яна битта ойна сўраб олиб, ҳам ён томондан, ҳам орқа томондан шляпани обдон томоша қилган. Бир неча дақиқадан сўнг эса асабий тарзда оғир нафас олиб шляпани улоқтирган ва салондан ўта хафа бир алфозда чиқиб кетган. ▶



Эътироз билдира кўрманг, мен хали тугатмадим! Тахминимча, Сиз ҳам Роберт Блекпотни кўмиш маросимида Жейннинг акли олар даражада ажойиб мотам шляпаси кийиб олганини кўргансиз, албатта. Бу шляпа бежиримлиги, чиройлилиги ва Жейнга жуда ярашиб тургани билан маросимга келган хонимларнинг барчасини лол қолдирган эди. Бу ўша, айнан мен буюртма берган шляпанинг нусхаси эди.

Мен Жейн билан қотилликнинг еттинчи куни учрашдим. У мени шарт-шароит таказо қилган мухитга нисбатан жонлироқ тарзда ушбу оғир ҳолатдан эндигина чиқа бошлагани ва бошқа у-бу нарсалар ҳақида гапирган ҳолда кийиниш жойигача кузатиб борди. Мен гаплаша туриб, жавонлардан бирида турган мотам шляпасига кўзим тушди. Нима қилаётганимни ўзим ҳам билмаган ҳолда ўрнимдан туриб кетдим. Мутлақо жиддий равишда “Шерлок Холмс бугун эрталаб сенинг ажойиб шляпангни далил сифатида олиб келишларига кўрсатма берганлигидан хабаринг борми?” деб сўрадим. Мен бу билан фақат ҳазил қилмоқчи, Сизнинг барча кераксиз нарсаларни “ашёвий далил” деб йиғиб юрадиган қилиғингизни эслаб қулмоқчи эдим, холос. Бироқ менинг гапларим фавқулодда таъсир кўрсатди. Жейн Гордоннинг ранги бўзариб, ўрилган ўт каби йиқилиб тушди. Деярли беҳуш ҳолда қўнчиқлардек йиғлашга тушди ва эрини ўзи ўлдирганини тан олди.

Унинг айтишича, Робертни итариб юбормаган, шунчаки кўшни хона деразасидан эрининг хавфли жойда турганини кўриб, чақирган. Вазир эса у томонга бурилмоқчи бўлган. Бурила туриб, панжарага суянган ва мувозанатини йўқотиб пастга қулаган.

Мен қотиб қолган ҳолда уни тинглар, у эса оёқларим остида қўнчиғи тутиб, “Шерлок далилий ашё сифатида шляпамни сўраётган экан, демак, ҳаммасидан хабардор!” деб қутқаришимни илтимос қилиб, ер депсиниб ялинар эди.

– Мен эримни ўлдирмоқчи эмасдим, – деб йиғлар эди Жейн. – Бироқ тушунсангчи, ўша куни кечаси билан аза тутадиган ҳеч бир яқиним йўқлигидан, шундай шляпа кия олмаслигимдан хўрлигим келиб йиғлаб чиқдим.

Мен бу ҳолатга узоқ чидаб тура олмадим ва охир-оқибат Жейнга бор захримни сочиб, чиқиб кетдим...

Ҳаммаси мана шундай бўлган эди. Бироқ, жаноб полковник, бу хатни сизга юбора олмасам керак... Буни хис қилиб турибман... Ўнлик мажлиси Жейн Гордонни — англиялик Шарлотта Кордени жаҳл отига минган пайтда нима қилаётганини ўзи ҳам билмаган ҳолда шундай қотилликка қўл урган деб оқлашди. Шунинг учун ҳозир у ғурур билан, онгли равишда шундай қотилликка қўл ургани ҳақида гапиради... Менга эса ишонишмайди, ақлдан озган деб ҳисоблашади... Ишонишган тақдирда ҳам... Афсонани битилмасдан туриб йўқка чиқариш мумкинми?.. Барча эзилган халқлар енга олмаган зўравон озодлик курашчиларининг эмас, аёллар шляпасининг, тақдир таказоси билан кимнидир кўмганда кийиладиган аёллар шляпасининг қурбонига айланганини билиш инсоният учун долзарб масалами? Жейн Гордон зўравон устидан ўзи билмаган ҳолда ғолиб бўлган кундан бошлаб нима қилиб қўйганини хали ҳам англаб етолмай бошини тик тутиб, ўзининг мотам шляпасини мағрур кийиб юрибди... ■

Манзура ШАМС таржимаси



# MUQADDAS TUYG'U

*Бахтим бору бахтим бор,  
Нақши тилла тахтим бор.  
Озод Ватан қўшигин  
Куйлай, деган аҳдим бор.*

*Зарафшоннинг сувлари,  
Жимирлайди жилодан.  
Кафтга олсам, юртимнинг  
Тупроқлари тиллодан.*

Зарафшон бўйидаги ям-яшил бедазорлари яшнаган, тезоқар канал ёқасидан кўчага соя ташлаб тургувчи бош-адоғи кўринмас теракзор. Теракзорнинг бир томони каттакон ариқ, унинг ёнида ўрикзор. Бу манзара ҳақида қанча гапирса, шунча кам. Аммо ана шу йўлдан ҳар куни икки-уч марта ўтганларим, тўғон бошига ўхшаш сув йўлини тўсиб, барча ариқ ва каналларга сув ўтадиган темир бетондан ясалган каттакон кўприк устида ўйнаб юрганларим кечагидек хануз эсимда. Отам ана шу жойда ишлар, бизни нуқул узум, олмалар билан сийлар эдилар. Мен отам яшайдиган кичик уйчанинг олдидаги каттакон чиройли гулзордан ҳар хил атиргуллар териб чиқар, отам эса бу атиргуллардан менга гулдаста ясаб берардилар. Ўшанда булар ҳақида ўйламасам-да, эрталабдан кечгача ўша гўзал манзарани тарқ этиб кишлокка, уйга қайтмас эдим. Энди бўлса бу гўзал манзара бир бутун хотирага айланиб, экинзорлару гулзорлари, мевазорлару сув тўсиқлари билан қоришиб, отам, онам, юртим, халқим бўлиб улғайиб, улканлашиб бир буюк маъно касб этиб бормоқда. Бу маъно жон қадар ширин, ҳаёт қадар азиздир.

## КЎНГИЛ КЕЧИНМАЛАРИ

Мен сизни ичиқиб кутдим... узоқ кутдим... сиз келдингиз... Қадамларингиз оғир, салобатли!..

Ҳар қандай инсон ҳам соғинган, узоқ кутган кишини кўрганда ҳаяжондан, бахтдан юраги қок бўлиниб ўзини йўқотиб қўяди. Мен ҳам дунёни тўлдириб хайқиргим, шодлигимдан, қувончимдан қушга айланиб, қанот қоқиб учиб кетгим келарди. Чунки сиз келгандингиз...

Аммо бу дунёдаги жуда кўп тушунчалар нисбий бўлгани сингари муҳаббат, висол, ҳижрон тушунчалари ҳам нисбий эди. Сизнинг келишингиз қанчалар қувончли бўлса, шунчалар изтиробли эканлигини энди тушунапман. Еру қўқни олтин, олов ранга буркаб келган висол дам ўтмай, қўним топмай ҳижронга айланди. Гуллар, майсалар билан умрим қаҳратонини баҳор қилиб келган муҳаббат бугун хазон бўлиб бошларини ерга урмоқда. Шафқатсиз шамоллар хотира дарахтимда қолган охири япроқларни ҳам юлқилаб тортқилайди. Умринг тугади!.. Умринг тугади!.. деяётгандек қаҳрли қиличини юзим аралаш қўзларимга солади. Қиличлар зарбидан қирқилган қўзларим бағридан ёғаётган қон азодор руҳим либосини алвон ранга бўяйди.

Оҳиста шивирлар яқинлашиб, дилгир, маҳзун қўшиққа айланиб, жаранглай бошлайди. Қўшиқки вужуди жон, сўзлари жон, дунёси жон бўлиб куйлайди... ■

*Алвон-алвон кенгликда  
Жайрон ўйнар, жон ўйнар.  
Дил қонига чўмилиб,  
Ишиқ номли жонон ўйнар.  
Ўйна жоним, қул жоним,  
Азобинг май ичирсин.  
Сен жонингдан кечмадинг,  
Жонинг сени кечирсин.*

Жумагул СУВОНОВА


# Qo`g`irchoq san'ati bayrami





# "YAGONASAN, MUQADDAS VATAN!"

MADANIYAT VA SPORT ISHLARI VAZIRLIGI  
RESPUBLIKA SARALASH BOSQICHI



# DORBOZLIK PAHLAVONLIKDIR

Дорбозлик дегани пахлавонликдир!

Дорбозлар ташки кўринишидан ўйин-томоша ахлидан бўлсалар-да ишларининг асосини журъат ва тинимсиз меҳнат ташкил этади. Шунинг учун ҳам улар пахлавонлар — полвонлар жумласига киради.

Дорбозлар покиза, ўта ахлоқли, пок ва ростгўй кишилар бўлишлари шарт! Бунга, таъбир жоиз бўлса, мажбурлайдиган икки жиҳат бор. Биринчиси арқон бўлса, иккинчиси мизондир. Арқон кўприк вазифасини бажарса, мизон адолат тарозиси ўрнидадир. Дорбоз мизон-лангарсиз юролмайди ва агар кўлида лангари бўлмаса, дорбознинг кўллари лангар ўрнини боса олади. Мизоннинг дунёдаги рамзи адолат тарозисидир! Тарозиси оғиб турган (яъни адолатдан чекинган) кишининг қадами ростлик сари, ҳақиқат сари мустаҳкам эмасдир.

Дорбозлик бевосита майдон томошалари санъатига киради. Бу санъат тури неча-неча асрлардан бери отадан болага, устоздан шогирдга мерос бўлиб келмоқда. Асакалик Тошканбой дорбоз Эгамбердиев, андижонлик дорбозлар Султонназар Худойназаровлар, хўжаободлик Имомназар Зокировлар, пахтаободлик Мадамин дорбозлар сулоласи шундайлар жумласидан.


Мустақиллик йилларида миллий урф-одат, анъаналаримизни сақлаш ва тиклаш, маънавий бойликларимиз, халқимизнинг маданий меросига бўлган эътибор янада кучайди. Бу эътибор ташкилий равишда турли кўрик-танловлар, дастурлар шаклида намоён бўлмоқда.

Шу йилнинг 30-31 май кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи жуда ҳам чороғон бўлиб, байрамона тусга кирди. Карнай-сурнайлар садоси бутун пойтахтни тутди. Боғда миллий дорбозлик жамоалари иштирокида “Майдон томошалари санъати байрами” бўлиб ўтди.

Санъат байрами Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касаба уюшма Кўмитаси ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи маъмурияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 7 октябрда тасдиқланган “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури” ижросини таъминлаш, миллий дорбозлик санъатини тиклаш, ижодкорлар фаолиятини яхшилаш, тарғиб этиш, “Устоз-шогирд” анъаналарини давом эттирган ҳолда мустаҳкам оилада камол топаётган ёшларни халқ ижодиётининг ноёб дурдоналари ва нодир турларига бўлган кизикишларини янада ошириш эди.

“Майдон томошалари санъати байрами”да Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 300 га яқин катнашчилари бўлган 26 та дор-жамоаси ва сим дор (20 та дор ва 6 та сим дор) гуруҳлари иштирок этдилар. Дорбозлик жамоаларининг томоша дастурлари, сахна либослари, ижро маҳоратлари ва техника хавфсизлиги бўйича ҳолатларини тўғри йўлга қўйишда Республика эстрада ва цирк санъати коллежи директори,





Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, “Шухрат” медали совриндори Карима Зарипова раислигида Тошкент шаҳар маданият ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитасидан Қодиржон Амиржонов, Фарғона вилоятидан устоз дорбоз ва полвон Турсунали Мамажонов, таникли санъаткорлар Ойдин Тошкенбоева, Олимжон Тошкенбоев, Дор анжомлари техника хавфсизлиги ҳолати бўйича “Ўзбекцирк” бирлашмаси мутахассиси Беҳзод Тошкенбоевдан иборат экспертлар гуруҳи томонидан амалий-услубий ёрдам берилди.

“Майдон томошалари санъати байрами”да қатнашган Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар дорбозлик жамоаларининг юқори савиядаги томоша дастурлари, сахна либослари, ижро маҳорати, дор анжомларининг техника хавфсизлиги ҳолатлари талаб даражасида эканлиги ҳамда фаол иштироклари учун барча иштирокчилар сертификатлар ва хомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дорбозлик томошаси санъати байрамида иштирок этган дорбозлик ва сим дор гуруҳлари раҳбарлари билан техника хавфсизлиги ҳолатини синовдан ўтказувчи мутахассисларидан иборат эксперт гуруҳи иштирокида “Дорбозлик санъати ва давр” мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори ўринбосари Ў. Тоҳиров тадбирда намоиш этилган дастурларнинг савияси юқори эканлиги, жамоалар кенг салоҳиятга эгалиги, бироқ сахна либослари миллий руҳда эмаслиги, мусика танлашда камчиликлар борлигини таъкидлади. Шунингдек, дор гуруҳларининг шартномаларини янгилаш, техник хавфсизлик ҳолати паспорти, ҳар бир гуруҳ иштирокчисининг тиббиёт дафтарчасига эга бўлиши шартлиги тўғрисида тўхталди. Шундан кейин сўз экспертлар гуруҳи раиси Карима Зариповага берилди.

К. Зарипова: Ушбу санъат байрами дорбозлик жамоаларининг томоша дастурлари, сахна либослари, ижро маҳоратлари ва энг асосийси техника хавфсизлиги бўйича ҳолатларини тўғри йўлга қўйиш мақсадида мутахассислардан иборат экспертлар томонидан мазкур бадний хаваскорлик жамоаларига амалий-услубий ёрдам бериш мақсадида ташкил этилди. Ижро ёмон эмас. Аммо сахнага ўзбекча либосларда чиқилмоқда-ю, мусика туркча ёки арабча кетяпти, буни қандай тушуниш мумкин?!

Суҳбат давомида бошқа эксперт гуруҳи аъзолари ҳам ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди. Тадбир сўнгиде сўз олган Қашқадарё вилоятининг “Шаҳрисабз дорбозлари” халқ жамоаси бадний раҳбари Сайдулло Шоймардонов: Дорбозлик санъатида қадимий ёғочоёқ, от чопиш ўйинлари, масҳарабозларнинг томошабинлар билан аския айтишувлари ҳамда ҳазил-мутойибалари йўқолиб бормоқда, биз ана шу анъаналаримизни келажак авлодларимизга мерос сифатида қолдириш учун тиклашимиз, шунингдек, сахна либослари, гримм ва мусика танлашда кўпроқ миллийликка эътиборни қаратишимиз зарур.

Давра суҳбати қизиқарли ҳамда долзарб савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Дарҳақиқат, ҳар бир жамоа чиқишларида нафақат дорбозлик санъати, балки ўзбекона миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни намоиш қиладилар. Шундай экан, кийим танлаш, мусикий безак каби томошанинг увий қисмларига эътиборсиз бўлиш мумкин эмас. Айни тадбир дорбозлик жамоаларининг кейинги фаолиятига амалий кўмак беришига ишончимиз қомил. ■

Насриддин БОТИРОВ,  
Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ

# RASSOMLIKNING OYDIN

Сўнги йилларда дунё ҳамжамиятида классик бадий мактабни тиклаш ғоясига қайтилаётганлиги кузатилмоқда. Зеро, рангтасвирдаги асос кунун-қоидалар муҳимлиги умумэтироф этилмоқда. Бу ҳақда рассом ва педагог Роберт Беверли Хейл: “Бир неча йил мукаддам рассом инсон жуссасини тасвирлашни билиши шарт эмас дейилар, оқибатда бу ғоя, рангтасвирга ўргатадиган энг яхши бадий мактабларга ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Ва инсон жуссаси рассомлар тайёрлайдиган ўқув юртларида юзаки ёки шунчаки ўргатилар, айрим ўқув юртларида эса инкор ҳам этилар эди. Англашимизча, ҳозирги кунда бундай “шаббод” ортда қолди ва яна чизматасвир рассомнинг услуби ва йўналишидан қатъи назар, рангтасвирнинг асосига айланмоқда” деб ёзади. Уйғониш даврининг буюк рассоми Леонардо да Винчи ҳам ушбу санъат хоссалари ҳақида янада аниқроқ қилиб шундай деган эди: “Рангтасвир ўзининг илмга хослиги жиҳатидан, барча санъатлар ичида унга фан сифатида аталиш ҳуқуқини беради. Худди геометрияда бўлганидек, унда (тасвирий санъатда) ҳам ибтидоси нуқтадан бошланиб, сўнгра чизик ва ниҳоясида, текисликка айланади, пайдо бўлган текисликда жисмлар тасвирланади. Перспективанинг (айни пайтда) эса рангтасвир ихтироси эканлиги уни астрономия




Жамол Усмонов

билан боғлайди. Шу билан бир қаторда бу санъат математика ҳам эмас. Агар математика фан бўлса, санъат — амалий кўникма. Фанлар ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши мумкин. Амалий кўникмага асосланган рангтасвирни шундай осонлик билан ўзлаштириш мумкин эмас. Кимга табиатан рангтасвир таланти ато этилмаган бўлса, у рангтасвирни эгаллай олмайди”. Таъкидланганлардан келиб чиқиб, рассомлар тайёрлаш соҳасининг ўзини ҳам алоҳида ўқув, истеъдод, ёндашувни талаб қилувчи санъат тарзида баҳолаш мумкин. Ўз ўрнида мамлакатимизда рассомлар тайёрлаш бугунги кунда қай аҳволда деган савол туғилиши табиий.

Бўлғуси рассом бадий таълим мобайнида, аввало, тасвирий санъатга доир ўрганиши зарур бўлган академик бадийят кунун-қоидалари, тасвирий санъат ихтисосликларига доир ашёлар, пластик анатомия, перспектива ҳамда лойиҳалашга доир геометриядан билимлар эгаллаши зарурияти белгиланган. Таълим мобайнида талабаларда жисм ва жуссаларнинг конструктив тизими қонуниятлари, ёруғ соялар, рангшунослик, композиция кунун-қоидаларини ўзига сингирган ҳолда ижодий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш талаб этилади. Натурани бадий кўриш ва анализ қила билиш кўникмаси ҳамда ўз ўқув топшириғини натура билан солиштирган ҳолда тасвирлай билиш, шу билан бир қаторда, узоқ ва қисқа муддатли иш жараёнини бажариш кўникмасини эгаллаши ҳамда яхлитликдан деталларга, деталлардан яхлитликка тарикасида иш юрита билиш тажрибаси юкланади бўлажак рассомларга. Шунингдек, ёш рассомдан бадий ижодиётнинг муҳим бир жиҳати ҳисобланувчи тасвирланаётган инсоннинг психологик ҳолати, кайфияти ва фикр доираси, яхлит олганда эса, қаҳрамоннинг психологик дунёсини кўрсата билиш талаб этилади.

Бадий таълимда профессионал фаолият билан шуғулланишдаги муваффақият, аввало, иқтидорни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Табиатан тасвирий санъатда иқтидор қўлнинг онг, кўнгил билан мувофиқлиги бўлиб, фаолиятда мунтазам ривожланади. Бадий кўра билиш иқтидор бўлгандагина қобилият сифатида шаклланади.

Инсон бирор фаолият тури билан шуғулланар экан, унга шу йўналишга доир иқтидор зарур бўлади. Рассом учун



Хурийд Зиёхонов

## YO'LLARI

кўриш анализатори (пропорцияларини аниқлай билиш, рангни кўриш ва ҳоказо) ва кўз хотираси ривожланган бўлмоғи талаб этилади. Аммо инсондаги иқтидор ҳали қобилият дегани эмас. Шубҳасиз, инсон бирор фаолият тури билан изчил ва муваффақиятли шуғулланиши мобайнида иқтидор қобилиятга айланади.

Тасвирий санъатга кириб келаётган инновацияларнинг бадий таълимда муваффақиятли жорий этилиши, анъаналар тарихий тажрибаси ва тасвирий санъат педагогикаси асосий йўналишлари ривожини талаб этади. Шу маънода бадий мактаб тушунчаси реалистик тенденциялардаги — чизматасвир, рангтасвир ва композиция фанлари назарий жиҳатларини илмий таҳлил этган ҳолда юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятида классик маънодаги бадий мактабга қайтиш тенденциялари кузатилаётгани эътироф этилмоқда. Демак, жамият ҳаётида кечаётган ўзгаришлар ва шунга мувофиқ профессионал таълим тизимига қўйилаётган талаблар яхлит маънода бадий таълим методикасини четлаб ўта олмайди. Ҳозирги кундаги тасвирий санъатнинг концептуал асосларига қарашлар қамрови кенглиги, уларнинг санъаткорлар, санъатшунос-педагоглар томонидан таҳлил этилишидаги турлилик, илмийликка бўлган эътиборни кўпроқ талаб этади. Мамлакатимиз бадий таълим тизимида академик таълим тизимидан четга чиқмай, ўзига хос анъаналар шакллантирилди ва ривожлантирилиб, давом эттириб келинмоқда.

Бироқ бу борада ишлар тўлиқ кўнгилдагидек деб бўлмайди. Маълумки, бадий таълим тизимида бадий саводхонликнинг назарий асослари юзаки — амалий машғулотлар доирасида қисқагина маъруза ёки суҳбат тарзида юритиб келинган. Ушбу маърузалар кўп ҳолларда мутахассислик фанлари ўқитувчилари англаган даражада, ушбу таълим соҳалари назарий жиҳатлари доирасида олиб борилади. Айтилганлар шунини кўрсатадики, бадий саводхонликнинг назарий асослари ўқув курси сифатида бериладиган билим даражаси доираси билан чекланиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда амалда бўлган чизматасвир, рангтасвир, композиция фанлари назарий асослари намунавий ўқув дастурида қайд этилмаган. Машғулотлар амалий фаолият доирасида амалга оширилади. Бадий таълимда таълим самарадорлигини янги поғонага кўтаришда муҳим бўлган тасвирий санъатнинг назарий асосларини дастурларга киритиш ҳар бир тематик блоклар доирасида маърузалар воситасида нафақат бадий маҳорат, балки талабаларнинг назарий малакаларини ошириб боришда муҳим аҳамият касб этган бўлар эди. ■


Наргиза ҲАСАНОВА



Баҳодир Жалол



Владимир Бурмакин



Жавлон Умарбеков



# Kustoning kashfiyotlari



Таникли денгизчи, океаншунос, фотограф, режиссёр, кашфиётчи кўплаб китоблар ва фильмлар муаллифи ҳамда француз академияси аъзоси, кўпроқ катта Кусто номи билан таниш бўлган Жак-Ив Кусто (Jacques-Yves Cousteau).

Жак-Ив Кусто 1910 йил 11 июнда Францияда, аниқроғи, Бордо атрофида вино маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи ҳудуд бўлган Сен-Андре-де-Кюбзак шаҳарчасида адвокатлар оиласида дунёга келган. Отаси Даниэль Кусто олий маълумотли юрист бўлиб ўз мутахассислиги бўйича ишларди. Кустолар оиласи тез-тез сафарларга чиқиб турарди. Жак-Ив эрта ёшидан денгиз сувларига меҳр қўйганди. Бирок болакай сурункали (энтерит) ич кетишидан азоб чекар, врачлар унга оғир меҳнат қилишни умуман таъқиқлашганди. Балки айнан шу касаллик Кустонинг озгинлигига сабаб бўлгандир. 1 жаҳон уруши бораётган даврларда Даниэль Кусто анча вақтлар ишсиз қолишига тўғри келади. Бу эса, табиийки, оиласининг иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечиришига олиб келган. Албатта, бу ҳол “кўпга келган тўй” кабилида, фақатгина Кустолар оиласи эмас, бутун бир халқ бошига тушган эди. Вақт ўтиб уруш тугаб, одамларнинг яшаш шароити, турмуш даражаси яхшилана борди. Даниэль Кусто америкалик Хиггинс компаниясига ишга киради. Ёш Кусто бу пайт ўзининг болалик орзулари билан банд, ҳатто сузишни ҳам ўрганиб улгурганди. Хуллас, болакай ҳаёлини денгиз батамом эгаллаб олганди. 1920 йили Евгений Хиггинс Нью-Йоркка қайтади. Унинг ортидан Кустолар оиласи ҳам Америкага йўл олади. Америкада ёш Кусто мактабда ўқий бошлайди ва тез орада инглизча сўзлашишни яхшигина ўрганиб олади. 1922 йили Хиггинс ва Кусто оиласи яна Францияга қайтишади. Ёш Кусто Америкадалигида дизайн ва механика билан шуғулланганлиги Францияга қайтгач, батареядан қувват олиб ҳаракатланувчи машина яратишида қўл келади. Кейинроқ тежамкорлик билан йиғиб юрган маблағига у ўзига дастлабки кинокамера сотиб олади. Жак-Ивнинг қизиқувчан ва тиришқоклигини пайқаган ота-онаси

уни махсус интернатга ўқишга юборишга қарор қилишади ҳамда бу қарор ижроси ёш Кустонинг ўқишни аъло баҳоларга битириши билан яқунланади. Кусто 1930 йили уч йиллик Брестск ҳарбий денгиз иши ўқув юртига ўқишга киради. Кусто ўқиётган гуруҳ биринчи бўлиб “Жанна д’Арк” кемасида денгизга узок амалиёт сафарига чиқади. Ўқишни тугатгач, Жак-Ив Шанхайдаги ҳарбий денгиз базасига юборилади. Кейинчалик қизиқувчан Кусто денгиз авиацияси академиясида ўқишга ҳаракат қилиб қолади. Лекин бу орада бўлиб ўтган автохалокат туфайли чап қўли бармоқларидан бири ва қовурға суякларидан бир нечтасини синдириб олган Жак-Ив айни орзусига етиша олмайди. Кунлардан бир кун дўконга кирган Кусто сувостида юришга мўлжалланган кўзойнакни кўриб, қизиқиб қолади. Ушбу кўзойнакни со-



тиб олган Кусто катта қизиқиш билан сувостига шўнғиб кўради ва ўзининг қолган умрини ажралмас даражада сувости дунёсига тегишли деган фикрга келади. 1950 йилларга келиб Британия қироллик денгиз қучлари ҳисобидан чиқарилган “Калипсо” кемасини ижарага олган Кусто океанографик текширувларини бошлаб юборади. Ушбу бепоеён уммон тубини ўрганиш, машаққатли изланишлар йўлида Кустонинг кашшофлик кирралари, техник иктидори янада яққол намоён бўла борди...

Федерик Дюма билан ҳамкорликда ёзилган “Суқунат дунёсида” номли китоб асосида ишланган кинофильм 1956 йили Оскар мукофотига сазовор бўлган. Ушбу муваффақият сири китобдаги барча кечинмалар 1938 йиллари Федерик Дюма ва Филипп Талье билан махсус маска, ҳаво найчаси ва ластлар ёрдамида сувга дастлабки шўнғиш вақтида ўз бошидан ўтказилиб, қўнғида туйилгани билан боғланади. 1943 йилга келиб Эмил Ганян билан биргаликда яратган ғаввос кийимида сув остида узок вақт кузатув олиб боришга эришади. Шу билан бирга, Кусто сув ўтказмайдиган камера ва ёриткичларни ҳам яратган. Кусто ўзини мақтанганнамо “Сувости техникни” деб аташни хуш кўрарди. Ҳақиқатан ҳам, Жак-Ив Кусто улуг шоумен, педагог ва табиатни таъриф қилиб бўлмас даражада севувчи инсон эди. Унинг ишлари ҳаммамизга мовий қитъа ва унинг тубини намойиш қилди. Сувости дунёсининг буюк кашфиётчиси бўлган Жак-Ив Кусто кунларнинг бирида океан тубида чучук сув оқими, яъни сувости дарёсига дуч келади. Ушбу ҳолатнинг хайратлангандиган томони шўр сув билан чучук сувнинг аралашиб кетмаганлиги эди. Бундан таажжубда қолган Кусто жар солиб мақтанади, ҳа, мақтанишга арзигулик топилма эди-да, ўзиям. Лекин воқеадан хабар топ-

ган бир мусулмон киши Кустога айнан ушбу сувости дарёси ҳақида Куръони каримда анчагина илгари ёзилганлиги ҳақида гапириб беради. Буни эшитган Кусто қай ҳолатга тушганлигини ўзингиз тасаввур қилаверасиз. Албатта, Кусто бир зум ҳам кечиктирмасдан ушбу улуг китобни топиб, ўқиб чиқади ва Аллоҳ билган борлиқни бандаси эндигина тушуниб етаётганлигига амин бўлади. Кусто ушбу воқеадан кейин ислом динини қабул қилган, деган гаплар қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини билмаймиз. Бирок унинг вафотидан кейин “Кусто фонди”нинг расмий хатида шундай ёзилган: “Биз аниқ айта оламизки, қомандир Кусто ислом динини қабул қилмаган”. Нима бўлганда ҳам, 1997 йил 25 июнда вафот этган Жак-Ив Кусто христиан урф-одатлари билан, католиклар қабристонига дафн этилган. Жак-Ив Кусто томонидан асос солинган Кусто жамияти ва Кусто командаси эса бугунги кунда ҳам ўз фаолиятини давом эттирмоқда. ■

Комил ЖОҲТОЕВ  
тайёрлади



*Баданинг юрт бўлса, асабинг қўрган,  
Қўрган маҳкам бўлса, юрт бўлар омон.  
Жаҳл сели хужум айласа ногоҳ,  
Қўргонинг шу селга бўлади тўгон.*

#### “Таобат хазинаси дурдоналари” китобидан

Асаб касалигини халқ таобатида алоҳида касаллик деб ҳисоблашмаган. У бугунги кундагидек кенг миқёсда кун тартибда бўлмаган. Алломаларимиз жаҳл чиқишини қоралаб, одамийликка, одобга, босиқликка, оғир бўлишга чакиришган. Кейинги 30-40 йил ичида эса асаб касалликлари кўпчиликни камраб олган “офат”га айланди. Ҳозирги замонда ҳаётнинг мурракбалиги, серкирраллиги, техника тараққиёти, шовкин-сурон кўплиги, муаммоларнинг бирин-кетин пайдо бўлиши, жисмоний иш камайиб, ақлий меҳнатнинг кўпайиши, егуликларнинг кимёвийлашуви, экологиянинг бузилиши каби сон-саноксиз сабабларга кўра асабийлашиш, тажанглашиш аҳолининг кўпчилигида учраб турадиган ҳол бўлиб қолди. Кўчада, ишда, уйда, бозорда, дўконда, оилада, ҳатто дам оладиган жойларда, тўй-томоналарда ҳам одамлар бир-бирлари билан муносабатда бўлганларида, кўпинча, асабийлашишади. Инсон танаси чарчаганда, уйқусизлик ҳолатлари рўй берганда ҳамда асаб тизимида турли салбий таъсирлар ўтказилганда бир қатор касалликлар келиб чиқиши аниқланган. Баъзан об-хаво, қуёш нури, иссиқлик, совуқлик, ҳар хил ранглар, шовкин-сурон ва ҳоказолар ҳам асаб торларини таранглаштириб, инсон организмга салбий таъсир этиши кузатишган.

Кўпгина одамларда худбинлик, шухратпарастлик, баджаҳллик, ҳасадгўйлик, жиззакилик, сўзини ўтказишни яхши кўришлик, баднафслик каби ярамас одатларни кузатиш мумкин. Ўз имкониятларига тўғри баҳо берадиган содда, сергак, вазмин одамлар ишдаги, оиладаги кескин вазиятларда ўзларини хотиржам тутадилар. Юқоридаги иллатларга чалинган кишилар эса бундай ҳолатларда ўзлари асабийлашганлари етмагандай, атрофдагиларнинг ҳам кайфиятини бузадилар.

Одам иродасининг заифлиги, муқаррар равишда вужудга келадиган кийинчиликларни бартараф эта олмаслик, ўздан норози бўлиш, вазиятларнинг фожиаги тус олиши, салбий ҳиссиётлар — ваҳимага, қўрқувга, ғам-ғуссага, зерикашга, каттик рухий ҳаяжонларнинг авж олишига сабаб бўлади. Бош мия қобиғида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари нисбатининг бузилиши, табиийки, одам барча аъзолари ва тизимлари фаолиятининг издан чиқишига ҳам олиб келиши исботланган. Шуни унутмаслик керакки, киши ташқи муҳитдаги ёмон

таъсирга, оғир стрессга қанчалик сезгир бўлса, организмнинг инфекцияларга ва юқумли касалликларга нисбатан чидамаллиги шунчалик пасайиб кетади. Натижада киши ҳар хил касалликларга осон чалинадиган бўлиб қолади. Хафагарчиликка энг сезгир аъзо инсон юрагидир. Асаб касали ёш болаларда ҳам учраб туради. Чакалоқнинг кўкрак эммаслиги, сабабсиз кўп ва жаҳл билан йиғлаши, бирдан чўчиб кетиши, ёмон ухлаши кабиларнинг ҳаммаси ёш болада, асабийлашиш аломатлари ҳисобланади. Кўпинча болалар қоронғидан, каттик шамолдан, ёмғирдан ҳамда момақалдиқдан кўркиши мумкин. Асабийлашиш натижасида болаларда ички органлар фаолияти ҳам бузилади. Юрак қисилади, бола тез-тез хўрсинади, боши оғрийди, юраги гупиллаб уриб кетади, бўлар-бўлмасга асабийлашади. Бу болалар неврозига олиб келади. Асабийлашганда қандай касалликка йўлиқиш ҳар бир инсоннинг миждоғида, ёшига, қувватига, соғлиғига ва жинсига боғлиқ.

Этиборингизга ҳавола этаётганимиз ушбу маслаҳатлар асабни мустаҳкамлашга ва асабийлашишнинг олдини олишга қаратилган:

1. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар тинч ва осойишта ҳаёт кечириши, асабини ташқи муҳитнинг ёмон таъсирларидан асрашлари лозим. Шунда боланинг асаби чидамли ва мустаҳкам бўлади.
2. Боланинг асаби мустаҳкам бўлиши учун, туғилганидан бошлаб унинг кун тартибини бузмаслик лозим.
3. Одамларнинг сенга яхши муомала қилишини истасанг, уларга ҳам шундай муомала қил, деган мақолга амал қилиш керак.
4. Одоб, ўзаро тушуниш, воқеаларга нисбатан сабр-тоқатли бўлиш, ишда, кўчада дўстона муносабатларни вужудга келтириш муҳим аҳамиятга эга.
5. Ҳикматлар, яхши мусиқа ва кўшиқларни вақти-вақти билан эшитиб туришлик ва агроф муҳитдаги рангларга, табиат манзараларига этибор беришлик асаб фаолиятини бир меъёрда ушлаб туришга ёрдам беришини эсда сақланг.
6. Ўз вақтида овқатланиш, меҳнат қилиш, дам олиш ва зарарли одатларга ружу қўймаслик зарур.
7. Қовурилган, ёғли, шўр, аччик, ширин овқатларни, газланган ичимликларни, дудланган маҳсулотларни меъёридан ортиқча ва ҳар кун истеъмол қилиш одамнинг асабийлашишига олиб келади.
8. Асабини тинчлантиришда қатик зардобини ичиш, ялпиз, лимон ўти, кийик ўти, исмалок, бўтакўз, андиз ва кўк чой дамлаб ичиш фойда беради.
9. Мева-сабзавотларни, ошқўқларни кўп истеъмол қилиб туриш тавсия этилади.
10. Асабийлашиш оқибатида юраги ўйнай бошлаган аёл киши ярим килограмм лимонни кирғичда қириб, асал билан аралаштириб эрталаб ва кечкурун овқатдан олдин бир чой қошиқдан истеъмол қилиб туриши лозим.
11. Қаттик хафачилик оқибатида бош оғриғига чалиниб қолган аёл кишига ётар олдидан бир қошиқ шакарни сув билан ичишни Ванга тавсия этган.
12. Бир ўтиришда 30 грамм ёнғоқ, 20 грамм майиз, 20 грамм пишлок истеъмол қилиш фойдалидир.
13. Асаб бузилганда олма ейиш, хидлаш ёки олча чой ичиш тавсия этилади.
14. Асабийлашмаслик учун ҳар кун 2 дақиқа секин югуриш ёки мунтазам жисмоний иш қилиш ёхуд бадантарбия билан шуғулланиш керак.

Сафар МУҲАММАД



*Гўзаллик — ҳақиқий бахт-саодат  
ва росмана қаҳрамонлик бўлиб, у ба-  
ландпарвоз сўзларга муҳтож эмас.*

**РААБЕ**

## *Авидо, ажинлар*

Дунёда содир бўлиши шубҳасиз, фақат мавридини кутувчи ходисалар талай. Биз шулардан унчалик ҳам фалсафий, унчалар ҳам долзарб бўлмаган бир мавзуни муҳокама этмоқчимиз. Сизлар билан айнан аёллар учун ҳаёт-мамот масаласи бўлмиш ажинлар ҳақида билганларимизни ўртоқлашмоқчи эдик.

Айтиб ўтганимиздек, истисносиз ҳамманинг ҳам юзини ажин “безайди”, фақат кимни эртароқ, кимнидир кечроқ. Ажинларга асосан тери ҳолатининг ёмонлашуви, офтоб, ёгин-сочин, шамол, косметика ва бошқа ташқи омилларнинг ноҳўя таъсири ҳамда турфа туйгуларнинг юзимизда акс этиши, кош чимириш, пешонани тириштириш каби одатлар сабаб бўлади. Ажинлардан буткул кутулишнинг иложи бўлмаса-да, уларни “ниқоблаш”, яъни билинтирмасликка уриниб кўриш мумкин.

Мимик ажинлардан кутулиш учун, аввало, ҳар бир инсон ўзини, хусусан, одат ва кўникмаларини назорат қилишни ўрганиши лозим. Уларга қарши кураш қанча эрта бошланса, натижа шунча яхши бўлади. Сухбат ва кулгу жараёнидаги ҳар бир ҳолат юзингизда акс этишини доимо хотирада сақлаш лозим.

Кўз атрофи соҳаси нозик ва майин, шунингдек, териси қуришга мойил бўлади. Шу сабабли юз парваришида кўз атрофи соҳасига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун алоэ ва эфир мойларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Табиий усулда олинган эфир, хусусан, шафтоли, ўрик ва бодом мойлари терини намлантириб, ажинларни йўқотишга ёрдам беради.

Оддий тухум оқи юздаги мимик чизикларни текислашда ниҳоятда фойдали. Юзга суртилган тухум оқи қуригач, тери таранглашади. Ушбу муолажани бир ойда ўн марта такрорлаш тавсия қилинади.

Куйидаги ниқоб юзингизни силлиқ ва оппоқ қилади. Майдаланган лимон пўчоғига бир чой қошиқ лимон шарбати, 1 дона тухум оқи ва 1,5 чой қошиқ янчилган бодом кўшилади. Тайёр массани яхшилаб аралаштириб, юзга суртилади. Айтиш жоизки, бу ниқобни муолажа усули бир ойда кўпи билан 1 ёки 3 марта ўтказилади.

Ушбу ниқоб юз терисини яхши текислайди ҳамда ажойиб тарзда озиклантиради. Бир ош қошиқ унга сут ва тухум сариғи қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Массанинг

куюклиги сментана каби бўлиб, ниқоб юзга суртилади. 20 дақиқадан сўнг бир стакан сувга бир чой қошиқ лимон шарбати кўшилган суюқликда ниқоб ювилади. Қуруқ юз терисини намлантириш ва ажинлардан халос қилиш учун картошкали ниқобдан фойдаланамиз. Илитилган картошка бўтқасини юзга суртиб, 20 дақиқага қолдирилади. Кейин совук сувда ювиб ташланади.


Инсон организмдаги оксиллар ҳам терига катта таъсир ўтказади. Чунки айнан ана шу оксиллар – коллаген терининг силлиқ ва таранг бўлишини таъминлайди. Коллаген тери хужайраси таркибида унинг таранглашишига йўл очади. Аста-секинлик билан коллаген толаларининг бу хусусияти йўқола бошлайди. Натижада ушбу модда танқислиги туфайли тери чуқур қатламларида бўшлиқ ҳосил бўлади. Ана шу бўшлиқ ажинларнинг пайдо бўлишига замин яратади.

Таркибида коллаген мавжуд бўлган препаратлар ана шу бўшлиқ, яъни терининг юза қатламига сингиб, ажинларни текислаш, таранглаштириш ва эластиклигини таъминлаш хусусиятига эга. Коллаген сифати ва олинishiга қўра бир-бирдан кескин фарқ қилади. У турли ўсимлик ва ҳайвонлар, денгиз маҳсулотларидан олинishi мумкин. Денгиз маҳсулотларидан олинган коллаген бошқаларга нисбатан инсон коллаген тизимига мос келади ва тери ички қатламига осон ҳамда чуқур сингади. Шу боис коллаген терини намлантирувчи восита сифатида ҳам кенг қўлланилади.

Косметологлар кашандалик ва спиртли ичимликлар истеъмол қилишни коллагеннинг бутунлиги ва сифатига салбий таъсир этувчи омиллар сифатида кўрсатадилар. Шунингдек, тўғридан-тўғри тушадиган қуёш нури ҳам коллагенни нобуд қилар экан.

Косметик кремлар таркибига ретинолнинг киритилиши ҳам косметологияда туб бурилиш ясади. Ретинол аслида ретиноидларнинг алоҳида шакли бўлиб, А витамини маҳсули ҳисобланади. Ретинол қуёш таъсири туфайли терида пайдо бўладиган кексайиш аломатларини йўқотади. Шуниси қизиқки, бу ретиноидлар ёш ва катта ёшдаги аёл-қизларнинг терисига бирдек мос тушар экан. ■

*Нигина ҚОДИРОВА*



**“ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ” ЧАЙВОРДИ**

1. Халқаро олимпиада ўйинлари ватани. 2. Куч ва чакконлик талаб қиладиган ҳамда уларни камолга етказадиган спорт мусобақалари мажмуи. 3. Сиднейда ўтказилган XXVII Олимпиада ўйинлари чемпионлигига сазовор бўлган таниқли ўзбек боксчиси. 4. Транспорт воситалари пойга мусобақалари ўтказиладиган махсус майдон. 5. XX Олимпиада ўйинлари ўтказилган Европадаги шаҳар. 6. Терма жамоа таркибида иштирок этишга тавсия қилинган спортчи. 7. 2004 йил Афинада ўтказилган Олимпиада ўйинларида юнон-рум кураши бўйича олтин медалга сазовор бўлган ватандошимиз. 8. 1972 йил Олимпиада ўйинларида энг биринчи бўлиб иштирок этган ўзбек чавандози. 9. Рақиб жамоа майдонида тўпни қўл билан уриб, гўрдан ошириб тушириш ўйини. 10. Президентимизга Халқаро Олимпиада қўмитасининг олтин ордени тошпирилган шаҳар. 11. XXIV Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган АҚШдаги шаҳар. 12. Гимнастика машқлари спортчиси. 13. Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпиада қўмитаси ташкил топган шаҳар. 14. Сурхондарёлик курашчи, олимпиада ўйинлари совриндори. 15. Пойга мусобақасида кўрсаткични аниқлашдаги ўлчов, фурсат. 16. Осие китъасида илк бор Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган

пойтахт. 17. Беллашув чемпиони сазовор бўладиган медал. 18. Олисга улоқтириш спорти анжومي. 19. Енгил атлетика спорти анжومي. 20. Боксдаги ҳолат. 21. Спорт ўйини. 22. Пойга мусобақаларининг бошланиш пайти. 23. Гимнастика спорти мосламаси. 24. Паст-баланд йўлда ўтказиладиган пойга мусобақаси. 25. Сув спорти. 26. Оғир атлетика спорти.

**МУАММОНОМА**

Шакл атрофидаги рақамларда Халқаро олимпиада ўйинлари шиори ва анъанага айланган нуфузли спорт шодиёнаси ташаббускорининг исм-шарифи яширинган. Уларни куйидаги калит сўзларни топиб, жавобларидаги мос ҳарфлар билан алмаштириш асосида билиб олинг.

Калит сўзлар: 1. Москвада ўтказилган XXII олимпиада ўйинларида ватандошимиз Собиржон Рўзиев кумуш медалга сазовор бўлган спорт ўйини – 11, 14, 12, 14, 15, 9, 10, 1, 12, 14, 7.

2. Мусобақада эришилган энг юқори натижа - 5, 2, 7, 10, 5, 4.

3. Сим тўрли мосламада ўтказиладиган спорт тури - 9, 13, 6, 8, 6.

4. Спорт ўйинининг жарима майдончасида коидани бузганлиги учун рақиб дарвозаси томон белгиланадиган жарима зарбаси - 16, 2, 3, 13, 12, 17, 6, 14.

**«УМИД НИХОЛЛАРИ» АЙЛАНМА КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофида соат миля йўналишида: 1. Навоий. 2. Мурабий. 3. Байдарка. 4. Сакраш. 5. Шахмат. 6. Марказ. 7. Нокаут. 8. Турник. 9. Мерган. 10. Фарзин. 11. Стадион. 12. Дуранг. 13. Рекорд. 14. Копток. 15. Қўлқоп. 16. Футбол. 17. Тагами. 18. Теннис. 19. Эстафета. 20. “Сўғдиёна”.

**МУАММОНОМА**

Калит сўзлар: 1. Халол. 2. Тайм. 3. Ирода. 4. Сет. 5. Ринг. 6. Самбо. 7. Тўр. 8. Аут. 9. Олкиш. 10. Трамплин.

Президентимизнинг ибратли сўзлари: Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади.



# LATIFALAR

\*\*\*

- Сенга нима бўлди, хаяжонланаётганга ўхшайсан?!
- Ҳозиргина бир профессор радиодан гапирди. Унинг айтишича, юк-сак истеъдод эгаси бўлиш ҳам бир касаллик эмиш.
- Ўзингни бос, дўстим. Сен соппа-соғсан.

\*\*\*

Ёш шоир ўз шеърларини Теодор Фонтанега жўнатар экан, шундай деб ёзди:

- Жаноб Фонтане, мен ўз шеъримда нукта ва вергулларни атайлаб ишлатмадим, чунки улар бутунлай ортиқча. Агар сиз уларни қўйишни лозим топсангиз, марҳамат, хоҳлаган жойга қўйишингиз мумкин.

- Ёш дўстим, илтимос, келгуси сафар редакцияга фақат нукта ва вергулларни жўнатсангиз! Шеърларни эса, ўзимиз бир амаллармиз.

\*\*\*

Машҳур венгер композитори Франц Листдан бир композиция тўғрисида фикрини сўрашди.

- Бу асарда кўпгина янги ва кўпгина яхши жойлар бор экан, - деди у, - аммо биласизми...

- Хўш-хўш, давом этаверинг.

- Биласизми, ўша янги жойлари яхши эмас, яхши жойлари янги эмас.

\*\*\*

Машҳур немис физиги Вильгельм Конрад Рентген бир кун кизик хат олди. Хат муаллифи шундай деб ёзган эди:

- Жаноб Рентген, илтимос, менга рентген нуридан бир қути юборсангиз. Кўкрак қафасимда ўқ қолганга ўхшайди, шуни текшириб кўрмоқчиман.

Рентген унга шундай жавоб ёзди:

- Аксига олиб нурларим тугаб қолган эди. Икки кун ичида яна ишлаб чиқараман. Вақтни бой бермай десангиз, зудлик билан менга кўкрак қафасингизни жўнатинг.

\*\*\*

Имтиҳон пайтида ўқитувчи талабадан сўради:

- Замоновий комедия тўғрисида нима биласиз?

Студент бир нафас ўйлаб турди, ҳеч нарса эсига келмагач, аламдан йиғлаб юборди.

- Яшанг, баҳонгиз беш, - деди ўқитувчи. - Кўриниб турибди, сиз бу масалани жуда тугал ўрганиб чиқибсиз.

\*\*\*


- Кўрғазмада фақат сизнинг асарларингизни томоша қилиш мумкин экан, - деди бир соҳибжамол аёл рассомга.

- Бир оз ошириб юбордингиз, - деди рассом уялинкираб.

- Йўқ, азизим, сиз мени тўғри тушунинг. Бошқа расмлар ёнида одамлар тўпланиб кетгани сабабли, уларни кўролмадик.



- Ўтган кечадаги шовқиннинг сабабини тушунгандек бўляпман.



- Рухсатингиз билан мен кета-колай, бўшроқ пайтингизда келарман.





- Тинчлан! Ойнакчани тушириб юборибман.

Азамат ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади



**ILHOM USMON**  
*ijodidan namunalari*





**АБИТУРИЕНТЛАР, ЛИЦЕЙ ВА КАСБ – ҲУНАР  
КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Миллий Университети  
**ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ**

Сизларни Олий Ўқув юртларига кириш учун тест  
синовларига пухта тайёрлайдиган 8 ойлик  
курсларга таклиф этади.

**ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИДА:**

Шартнома асосида

1. Ҳуқуқшунослик (юримдик) тарих, фалсафа, журналистика, ўзбек филологияси, хорижий филология ва ижтимоий йўналиш факультетларига тарих, чет тили, она тили ва адабиёти фанлари бўйича;
2. Иқтисод йўналиши олий ўқув юртлари ва

факультетларига математика, чет тили, она тили ва адабиёти фанлари бўйича;

3. Математика, физика, кимё, биология, география, геология факультетларига ҳамда бошқа табиий фан йўналишларига тест фанларидан махсус гуруҳларда чуқур дастур асосида тест синовига тайёрлайдилар Дарслар 2012 йил **2-октябрдан** бошланади. Гуруҳларга ёзилиш давом этмоқда. Тўлиқ маълумотни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин.

**Манзил:** Ўзбекистон Миллий Университети Кимё факультети биноси, 1 – қават, 140 – хона, тел: **246-54-24, 246-02-20**